Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 28 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 40 (6936)

Da'vat

Иқтидоринг етмаган ишни қилма,
Сабабсиз ўзингни донишманд билма.

Н. ХИСРАВ.

Ibrat

Балиқчи туманидаги «Шерамичек» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Латифжон Жўраев савобли ишга қўл урди. У жамоа хўжалигидаги кам таъминланган оила фарзандларининг 23 нафари суннат тўйларини ўтказиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Узбекистон жамоатчилигининг халқаро ва хорижий мамлакатларнинг ноҳукумат ташкилотлари билан маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш, ахборот алмашинувини кенгайтириш ва халқ дипломатиясини фаоллаштириш мақсадида:

1. Республикадаги қатор жамоат ташкилотларининг Узбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини тузиш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

2. Кенгашнинг устави белгиланган тартибда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгани ва ушбу кенгаш ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ҳамда ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи ноҳукумат бирлашмаси эканлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидаги вазифалар кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари деб белгиланганлиги эътиборга олинсин:

— Хорижий мамлакатлар халқлари ва чет элда истиқомат қилаётган ватандошлар билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, дўстликни мустаҳкамлаш масалаларида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида дўстлик жамиятлари ва фуқароларнинг бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек чет эл жамоатчилигини Узбекистон халқи тарихи ва маданияти билан яқиндан таништиришга кўмаклашиш;

— хорижий мамлакатлар жамоатчилигида Узбекистон Республикаси ҳақида мустақил демократик давлат, маданий, илмий ва гуманитар алоқаларда муносиб фаол шерик сифатида тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам бериш;

— БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ҳамда хорижий мамлакатлар ташкилотлари йўли билан маданий-маърифий алоқалар масалалари бўйича муносабатларни ривожлантириш.

4. Кенгашнинг мақсад ва вазифалари кенг қўллаб-қувватлашга лойиқ эканлигини ва демократик ўзгаришлар руҳига мос келишини эътиборга олиб, вазирликлар, идоралар, ҳудудий органлар кенгаш фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

5. Кенгаш, унинг ҳузуридаги ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик тузилмалари 2000 йилга қадар устав вазифаларини амалга ошириш бўйича барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

Узбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашига Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 10 миллион сўм ажратилсин.

6. Кенгаш котибияти Узбекистон кучаси, 49а уйга жойлаштирилсин, лозим бўлган ҳоналар унинг тасарруфига бепул ўтказиб берилсин.

7. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кенгашни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олсин, миллий ва хорижий валюталарда пул муомалаларини амалга ошириши учун тегишли ҳисоб рақамларини очсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 май.

КИНОФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ МАКТАБДА

XALQARO KINOFESTIVALI TOSHKENT-97 INTERNATIONAL FILM FESTIVAL

Қадим ва навқирон Самарқандга қадам ранжида этишни кимлар орзу қилмаган? Бу юрт она заминнинг сайқали, кўрки ва фахри.

Тошкент шаҳрида очилган XII кинофестиваль иштирокчиларининг Самарқандга ташрифи бир кунлик ҳаяжон эмас, балки бир умрликдир. Жаҳоннинг 32 мамлакатидан йиғилган турли ёш, турли мазҳаб ва элат кино юлдузлари соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйиб, ҳайратга тушдилар. Улуғбек обсерваторияси, «Афросиёб» музейи, Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Регистон... Тарихий обидалар, бир неча асрлик инсон қўли билан бунёд этилган мўъжизаларга суқланиб боқиш уларга камлик қилди... Эсдалик учун суратга олишди.

Самарқандниг шундоқ биқинида жойлашган Тойлоқ туманидаги учрашувлар, тадбирлар, иллифотлар... Бари бир лаҳзалик, бир неча соатлик, аммо эсда қоларлик. 38-мактаб жамоаси томонидан безатилган очилдастурхон меҳмонларнинг иштаҳасини карнай қилиб юборди. Қулупнай, олча, ўрик, турли пиширириқлар... Киноактёрлар қайсисидан татиб кўришни билмай, шошиб қолдилар. Америкалик машҳур кино юлдузи Патрик Кил-Патрик шотутдан татиб кўраркан, бошини чайқади: «Оҳ, оҳ!» Ҳиндистонлик Илҳом Шоҳин, Акбархон, Санкт-петербурглик киножурналист Валерий Терехов ўқувчилар томонидан ташкил қилинган кўргазмага жуда ҳам юксак баҳо беришди.

Таассуротлар бир олам бўлди. Меҳмонларнинг зиёратидан она Самарқанд ҳам тўлқилангандек бўлди. Йиллар оша яшараётган шаҳарга қилган зиёратингиз қабул бўлсин, саҳнатга ошуфта кўнгиллар!

Oila, maktab, mahalla

ОТАНИНГ ЎРНИ БЎЛАКЧА

Айни кунда таълим-тарбия масаласи ҳамон долзарблигича қолаётир. Жойларда айрим ота-оналар барча вазифаларни мактаб зиммасига юклаб қўяётгани ҳам сир эмас. Натижада оилада ота-оналар хотиржамликка берилмоқдалар. Эътиборсизлик туфайли таълим муассасалари ўқувчиларининг баъзилари спиртли ичимлик истеъмол қилиш, чекиш каби ёмон иллатларни одат қилаётганликлари, ёинки жамоат мулкига зарар етказаётганликлари кишини ташвишлантирмай қўймайди. Йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг аксарияти ҳам мактаб ўқувчилари «ҳисса»сига тўғри келади. Шу аснода ота-оналар, қўшнилар, мактаб жамоаси қаерда, қаёққа қараяпти, деган савол ўртада муаллақ бўлиб қолаяпти.

Яқинда Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-мактабда шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман ИИБ ва ХТБ ходимлари, маҳалла фаоллари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари иштирокида «Оила, мактаб, жамоатчилик ва ҳуқуқий тарбия» мавзуида катта йиғилиш ўтказилди. Унда шу мактаб директори Рафиқа Одилова, Низомий номидаги ТДПИ доцентлари Файзулла Набиев, Нафиса Қодирова, туман ХТБ услубият хонаси мудири Лидия Прокофьева, туман ИИБ вояга етмаган ёшлар билан ишлаш назорати бошлиғи Баҳодир Бекназаров, «Бошлиқ» маҳалла кенгаши раиси Исмоил Қурбонов ва бошқалар бу борадаги фикр ва мулоҳазалари, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Йиғинда сўзга чиққанлар оила ва мактаб, маънавият ва маърифат, бозор ва бола, илм ва эътиқод, поклик ва ҳалоллик каби тушунчаларга ҳам атрофлича тўхталдилар.

— Илм масканимизда ҳуқуқий тарбиянга, тартиб-интизом масаласига жиддий эътибор берилаяпти, — деди мактаб директори Рафиқа опа Одилова, — Ўғил-қизларнинг жамият, муаллим, ота-оналари олдидаги мажбурияти, бурчи ва вазифаларига виждонан ёндошишлари учун қатъий талабчанлик қилмоқдамиз. Қаттиқ танбеҳ берган пайтларимизда фарзанди ёнини олиб синф раҳбари қошига чопиб келган ота-оналар ҳам бўлди. Бундай ҳолларда биз улар билан бола тарбиясига бир ёқлама ёндашмаслик тўғрисида батафсил тушунчалар бердик...

Ҳа, бола азиз, аммо одоби ундан ҳам азизлигини баъзи ота-оналар тушунишни ҳамон исташмаяпти. Очиғи, айрим оилалардан ота-оналар йиғилишида, болалари хулқи муҳокамасида, байрамларда фақат оналар қатнашишмоқда. Гап шундаки, оиладаги тарбия жилови ёлғиз оналар қўлида қолиб кетяпти. Назаримизда, фарзанд тарбиясида, умуман, ўғил-қизларнинг комил, маънавиятли инсонлар бўлиб етишишларида оталарнинг ўрни бўлакча.У жойида қаттиққўл бўлса, кези келганда, болани рағбатлантириб лутф айласа мақсадга мувофиқ бўлур эди. Айтиш жоизки, илм маскани ўқувчилари ҳам маҳалладаги аҳволни, айрим оилалардаги муаммоларни тийрак нигоҳлари ила англаган ҳолда ўзларича таҳлил қилишибди. Буни улар фарзанд тарбиясига лоқайдлик билан қараётган оила ва намунали оила мисолида ҳаёт тарзини қисқа кўринишларда таққослаб, хулосаларини баён қилишди. Кувонарлиси, ўқувчилар, ўтмиш авлодлар меросидан фойдаланиб, балоғат ёшига етган фарзандни қуруқ новдага қиёсладилар. Бу саҳна кўриниши йиғилганларни ҳаяжонга солди, воқеадан сабоқлар чиқаришга ундади.

Дарҳақиқат, кичик ёшдаги ўғил-қизлар мисоли ҳўл новда, уни вақтида эгиб олиш мумкин. Вақтни ўтказиб юбориш эса кечирилмас ҳол ҳисобланади. Фикримизча, буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ...

Йиғилганлар йиғилишдан ҳамкорлик ва ҳуқуқий тарбия тажрибаларидан ташқари ана шундай ҳаётий мисоллардан сабоқ ҳамда хулосалар чиқариб олишди.

Йиғилишдан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу эди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

ҲУҚУҚИЙ САБОҚЛАР 3-бет.

ҚИССАДАН ҲИССА 3-бет.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

Республика Халқ таълими вазирлиги шу йилнинг 30-31 май кунлари ҳунар билим юртларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ярмаркасини ўтказади.

Ярмарка 30-31 май кунлари соат 9.00 дан 19.00 гача пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасида Амир Темур хиёбони ёнида ўтказилади. Кун бўйи куй, қўшиқ, ҳангома, рақс ҳамда ёш дорбозлар ўйини бўлади.

Ярмаркага халқ таълимининг муассаса, ташкилот ходимлари ва ўқувчилари, Тошкент аҳолиси ва меҳмонлар таклиф этилади.

Сотиладиган маҳсулотлар нархи бозор нархларидан арзон баҳода, тури ҳам хилма-хил, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўп қисмини эгаллаган.

Ярмаркамизга марҳамат, ишончимиз комилки, албатта, харид қилмасдан кетмайсиз!

Ярмарка ташкилий қўмитаси.

JUMLADA JAHON

Амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Молдова Бош вазири ўринбосари В. Булгар раҳбарлигидаги ушбу мамлакат делегацияси аъзолари Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Молдованинг ҳозирги Президенти Пётр Лучинский Днестр бўйининг мақомини узил-кесил ҳал қилишни мўлжалламоқда.

Эрондаги навбатдаги сайловларда собиқ маданият ишлари вазири Хотоний мамлакат Президенти этиб сайланди.

Исроил босиб олинган ерларда қонунга хилоф равишда қурилган биноларни бузиб ташлаш режасини вақтинча тўхтатиб туришни, бу билан ўзаро муносабатларнинг ижобий ўзанига тушиб кетишини кутаётганлигини билдирмоқда.

В. Ландсбергесга яна Литва раҳбари бўлиш имкониятини унинг номзодини шу лавозимга кўрсатган «Саюдис» ҳаракати туғдирди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Афғонистон — Ўзбекистон чегарасидаги вазият тўғрисида хабар бериб, чегарага яқин бўлган Афғонистон ҳудудида вазият кескинлашганлигини, Афғонистон — Ўзбекистон чегараси бўйлаб осойишталик ҳукм сураётганлиги, ҳар қандай иғвогарликнинг олдини олиш ва ундай иғвогарликларга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон чегара хизмати чегарани янада мустаҳкамлаш чораларини кўраётганлигини таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг даромад ва харажатлар қўмитаси раиси Биллер Арчер америкаликлар удумига кўра, халқ ва ҳукумат олдида буюк хизматлар кўрсатган атоқли давлат арбобларига тақдим этиладиган, Америка Қўшма Штатлари миллий рамзи бўлган АҚШ давлат байроғини топширди.

Tashabbus

МАКТАБДА КИТОБ БАЙРАМИ

Ёш ниҳол сувга қанчалик чанқоқ бўлса, ўқувчилар ҳам маънавий озуқага шунчалик эҳтиёжманд бўлишади. Уларнинг бу талабини бирдан-бир восита, яъни китоб қондиради. Болаларда китобга ҳавас уйғота билиш ҳамда уларни дўстлаштириш эса аввало ота-она ҳамда ўқитувчи зиммасидаги вазифа. Бу ишни бурчимиз, дея англаган Каттақўрғон шаҳридаги 11-ўрта мактаб жамоаси яқинда катта китоб байрамини ўтказишди.

— **Байрамни ташкил этишимиздан мақсад кенг жамоатчилик эътиборини болалар китобхонлигига қаратиш эди,** — деди мактаб директори Марҳабо Тоирова. — **Кўзланган ниятимизга эришганимиздан хурсандмиз. Негаки, байрамни ўтказган ҳомийимиз — Каттақўрғон шаҳридаги савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раиси Суюн Жалолов ўз шахсий кутубхонасидан 40 дона, нафақахўр Ражабов 60 дона китобни мактабимиз кутубхонасига ҳадя этди. Шунингдек шаҳар ҳокимлиги 2000 дона китоб олиб берди. Ўқувчиларимизнинг ўзлари 1400 дона китоб йиғишди.**

Байрамда шаҳар ҳокими ўринбосари Шавкат Мамашарипов, шаҳар маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Муаттар Тешабоева ҳамда шаҳар ҳалқ таълими бўлими мудири Ренат Ганисламов иштирок этди. Сўзга чиққанлар бундай тадбирни ҳар бир мактабда ўтказиш лозимлигини таъкидлашди.

З. ТОШХЎЖАЕВ.

Davlat tilini o'rganamiz

УЛАР ЎЗБЕКЧА КУЙЛАШДИ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 299-болалар боғчасида «Ўзбек тили — она тилим» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда тумандаги 299, 395, 478, 535-болалар боғчаларида тарбияланаётган русийзабон кичкинтойлар ўзбек тилида шеър ёдлаш, эртак айтиш, ижодий ҳикоя тузиш, рақса тушиш бўйича ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Анжуманда дилбандларимиз «Мен туғилган ўлка», «Ватан», «Бувижоним» шеърлари, «Алла», «Қўғирчоғим» қўшиқлари, «Хоразмча лазги», «Ялла» рақсларини ижро этдилар. Шунингдек, «Айиқ ва деҳқон», «Олтин тарвуз» эртакларидан саҳна кўринишлари намойиш қилдилар. Айниқса, миллий либосдаги жажжи ўғил-қизчаларнинг «Менинг севимли эртагим» ҳамда «Менинг боғчам» ижодий ҳикояларини соф ўзбек тилида равон сўзлашлари, азалий урф-одатларимизни кўрсата олишлари анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Кичкинтойлар маскани залига кираверишдаги вестибюлда эса болалар қўл меҳнатлари кўргазмаси ташкил этилган. Кўргазмада бўйра, тугма ва қийқиндилардан кучукча, филча, тойча, балиқ сингари қўғирчоқ-ўйинчоқлар; «Қўғирчоқ Лолахонни кийинтирамиз» машғулотлари учун тайёрланган миллий кийимлар — атлас кўйлак, лозим, нимча, беқасам чопон, қийиқча, яктак, дўппичалар; лойдан ясалган идиш-товоқлар, лаган, чойнак, пиёла, кўзачалар намойиш қилинган.

Анжуман якунида сўзга чиққан туман халқ таълими бўлими мудири Абдулла Раҳматуллаев мурғак болажонларнинг илк санъатларини қўллаб-қувватлаб, бундай тадбирларни бошқа боғчаларда ҳам ўтказиб туриш лозимлигини уқтирди.

Холида МИРСАЛИМОВА.

МММ — ХАБАРЛАРИ

РАҚСГА ТУШАР ШАҲНОЗАЛАР

Рақс санъатлар ичида энг қадимийси. Раққоса ўзининг жозибали хатти-ҳаракатлари билан руҳиятини акс эттирса, миллат ўз миллий рақслари билан миллий нафосатини намоён этади.

Шу ўринда Кува тумани маданият уйида туман ҳокимининг ташаббуси билан вилоятда биринчи рақс мактабининг ташкил этилиши яхши иш бўлди. Мактабга миллий ўзбек рақс устаси Сафура Каримованинг раҳбар этиб тайинланиши эса нур устига аъло нур. Энди раққосаликка қизиққан қизлар санъат сирларини бемалол ўрганадиган бўлишди.

Рақс мактаби олдига қўйилган энг олий мақсад ҳам миллий рақс санъатини ривожлантиришга баҳоли қудрат хизмат қилиш.

М. КАРИМОВА.

«МУСАВВИР» УСТАХОНАСИГА МАРҲАМАТ

Бухоро давлат университети ётоқхоналари бош биносида талабалар учун маиший ва савдо хизмати кўрсатиш маркази анчадан буён ишлаб турибди. Бу марказ — сартарошхона, кўҳнадўзлик ва озиқ-овқат дўконларидан иборат.

Яқинда улар сони яна биттага кўпайди. Бу ерда «Талаба» кичик корхонасига қарашли «Мусаввир» устахонаси иш бошлади. Мазкур ижодхонада бадиий графика факультетининг истеъдодли ва ташаббускор талабалари О. Шомуродов, Қ. Баҳронов ва С. Шомуродовлар ўз тенгдошларига бошқа жойлардан анча арзон нархларда хизмат кўрсатмоқдалар.

МУЧАЛИНГИЗ НИМА?

Айтгандай, бу йил қайси мучал йили? Шуни ҳам билмайсизми? Унда билиб қўйинг. Кўпгина шарқ халқларида бўлгани каби халқимизда ҳам мучал ҳисоби мавжуд. У ҳар 12 йилда айланиб келади ва унга турли ҳайвонлар номи берилган.

Ёшлар ўртасида сал бўлмаса унутилаёзган ушбу халқ донолиги намунаси яна ўз эътиборини топа бошлади.

Яқинда Чилонзор туманидаги 10-мактабда мучал туйининг ўтказилиши ҳам бунга мисол.

Мактаб директори С. Маҳкамова ўқувчиларга, айниқса, 1 мучал йилига тўлган ўқувчилар ва ота-оналарга ушбу тадбирни тайёрлашда фаол қатнашганликлари учун қизғин миннатдорчилик билдирди.

МММ — ХАБАРЛАРИ

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

24 май куни Миробод туманидаги Ойдин Собирова номли 204-ўрта мактабда сўнгги қўнғироққа бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда битирувчи синф ўқувчилари ўзларининг сўнгги тилакларини шеър ва рақслари орқали намойиш этишди. Байрамга кўплаб меҳмонлар — Миробод тумани халқ таълими бўлими мудири Ш. Жавлонов, шу туман халқ таълими назоратчиси С. Фотоева, «Истиқлол» маҳалла қўмитаси раиси Ф. Мусабоевалар ташриф буюришди. Улар шу мактабни битираётган дастлабки қалдирғочларга ўзларининг пок ва самимий тилакларини тилашди.

Дилдора АЛИҚУЛОВА.

	Шаҳарлар ва туманлар	Она тили						Математика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Урганч шаҳри	597	45.68	9	167	52.23	2	238	45.94	10	70	51.31	3
2	Хива шаҳри	58	48.66	4	21	44.44	8	20	58.19	1	10	46.39	7
3	Дружба шаҳри	33	36.78	13	9	51.23	4	11	36.62	13	3	50.93	4
4	Урганч тумани	326	47.16	7	11	55.81	1	141	51.26	4	3	50.00	5
5	Хива тумани	157	47.15	8	2	29.17	13	68	49.88	6	2	16.67	10
6	Хазорасп тумани	123	42.16	11	2	47.22	6	72	56.02	2	0	0.00	0
7	Гурлан тумани	330	41.45	12	21	42.20	9	148	39.73	12	6	45.37	9
8	Хонқа тумани	397	43.00	10	18	37.81	10	192	43.21	11	1	47.22	6
9	Шовот тумани	430	48.16	5	13	45.09	7	184	49.82	7	1	83.33	1
10	Янгибозор тумани	310	48.97	3	3	34.26	12	144	48.77	8	0	0.00	0
11	Қўшкўпир тумани	307	48.07	6	9	50.93	5	122	47.68	9	3	45.37	8
12	Боғот тумани	277	51.78	2	6	51.39	3	126	51.06	5	4	52.78	2
13	Янгиариқ тумани	238	55.44	1	1	36.11	11	102	55.83	3	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Физика						Биология					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Урганч шаҳри	74	37.80	3	15	31.67	4	199	54.06	11	41	52.24	5
2	Хива шаҳри	7	34.13	7	3	42.59	2	16	62.33	2	5	47.22	8
3	Дружба шаҳри	7	34.13	6	2	54.17	1	8	46.18	13	3	55.56	4
4	Урганч тумани	71	39.20	2	0	0.00	0	107	58.64	7	1	83.33	1
5	Хива тумани	38	36.70	4	0	0.00	0	40	59.03	6	0	0.00	0
6	Хазорасп тумани	54	44.29	1	0	0.00	0	28	55.56	9	1	41.67	10
7	Гурлан тумани	68	27.25	13	2	33.33	3	120	48.73	12	7	51.59	6
8	Хонқа тумани	71	29.50	12	1	11.11	5	106	60.53	5	6	58.33	2
9	Шовот тумани	96	35.13	5	0	0.00	0	132	57.89	8	5	45.56	9
10	Янгибозор тумани	61	33.33	9	0	0.00	0	88	54.42	10	0	0.00	0
11	Қўшкўпир тумани	61	32.51	10	0	0.00	0	98	60.60	4	6	50.93	7
12	Боғот тумани	45	30.25	11	0	0.00	0	93	71.03	1	0	0.00	0
13	Янгиариқ тумани	51	33.71	8	0	0.00	0	68	61.32	3	1	55.56	3

Davlat test markazi tahlili

КЎЗГУДА ХОРАЗМ ТАЪЛИМИ

Хоразм вилоятидан ўзбек тили гуруҳларида тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари: ўзбек тили ва адабиёти — 46,94%, математика — 48,04%, физика — 34,49%, биология — 57,93%, кимё — 48.30% тарих — 48,00%, география — 42,11%, инглиз тили — 41,93%, немис тили — 28,64%, француз тили — 31,87 фоиз бўлиб, тарих ва география фанларидан ташқари барча фанлардан республика ўртача кўрсаткичларидан юқори.

Хоразм вилоятининг самарадорлик кўрсаткичларини республика вилоятлари ва Тошкент шаҳри кўрсаткичлари билан таққослаш қуйидаги ўринларни берди:

Фанлар	Ўрин
Узбек тили ва адабиёти	5
Математика	1
Физика	1
Биология	4
Кимё	3
Тарих	11
География	9
Инглиз тили	3
Немис тили	4
Француз тили	2

Вилоятда математика, физика, кимё, инглиз тили ва француз тили фанлари бўйича самарадорлик кўрсаткичлари бошқа вилоят кўрсаткичларидан юқори эканлигини кўриш мумкин.

Тарих, география фанларидан эса самарадорлик кўрсаткичлари анча паст.

Ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича Янгиариқ, Боғот, Янгибозор туманлари, математика фани бўйича Хива шаҳри, Ҳазорасп, Янгиариқ туманлари, физика фани бўйича Ҳазорасп, Урганч туманлари ва Урганч шаҳри, биология фани бўйича Боғот, Янгиариқ туманлари, Хива шаҳри, кимё ва тарих фанлари бўйича Боғот, Янгиариқ туманлари, Хива шаҳри, география фани бўйича Урганч, Боғот, Янгибозор туманлари, инглиз тили фани бўйича Урганч шаҳри, Янгиариқ туманлари, немис тили фани бўйича Ҳазорасп, Янгибозор туманлари, Урганч шаҳри, француз тили бўйича Янгибозор, Шовот туманлари ва Дружба шаҳарларидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари юқори эканлиги кузатилди.

1996 йил тест синови якунларининг аналитик таҳлили жадвал ва гистограмма кўринишларида берилган. Вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари таҳлилларни чуқур ўрганиб, тарихий-маданий мерос ва анъаналарни ўрганишга, ёшларни тарихий нуқтаи назардан ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби муҳим масалаларга, шунингдек, география таълимининг жаҳон андозаси талаблари даражасидаги мукаммал географик билимга, кўникма ва малакага эга бўлган ёшларни тарбиялаш жараёнига эътиборни кучайтиришлари лозим.

	Шаҳарлар ва туманлар	Кимё						Тарих					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Урганч шаҳри	169	48.62	6	41	45.66	4	194	47.68	6	56	42.31	4
2	Хива шаҳри	16	54.86	3	5	38.33	6	22	54.80	3	6	42.13	5
3	Дружба шаҳри	9	37.04	13	3	36.11	7	14	47.22	7	3	51.85	3
4	Урганч тумани	105	45.19	10	1	77.78	1	92	44.90	11	7	54.37	2
5	Хива тумани	39	47.65	7	0	0.00	0	53	47.17	8	0	0.00	0
6	Хазорасп тумани	33	45.29	9	1	27.78	10	27	46.19	10	1	19.44	10
7	Гурлан тумани	129	39.28	12	6	48.15	3	81	43.55	12	8	35.42	7
8	Хонқа тумани	112	49.83	5	6	42.59	5	129	38.89	13	11	30.05	8
9	Шовот тумани	125	44.00	11	5	32.78	8	136	46.41	9	7	40.87	6
10	Янгибозор тумани	87	45.34	8	0	0.00	0	101	51.32	5	3	25.00	9
11	Қўшкўпир тумани	93	50.96	4	6	49.54	2	102	53.24	4	0	0.00	0
12	Боғот тумани	97	60.77	1	0	0.00	0	63	56.88	1	2	81.94	1
13	Янгиариқ тумани	66	56.36	2	1	27.78	9	82	56.10	2	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	География						Инглиз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Урганч шаҳри	5	42.78	6	1	36.11	1	155	50.50	1	89	54.18	3
2	Хива шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	24	44.68	4	10	45.00	6
3	Дружба шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	10	25.56	13	2	58.33	2
4	Урганч тумани	4	57.64	1	0	0.00	0	94	41.93	6	8	47.92	5
5	Хива тумани	1	19.44	11	0	0.00	0	30	32.96	11	2	34.72	7
6	Хазорасп тумани	2	43.06	5	0	0.00	0	20	32.08	12	0	0.00	0
7	Гурлан тумани	8	36.81	9	0	0.00	0	65	33.12	10	10	31.11	8
8	Хонқа тумани	23	39.37	8	0	0.00	0	53	42.92	5	5	21.11	10
9	Шовот тумани	7	42.46	7	0	0.00	0	61	35.38	9	5	30.56	9
10	Янгибозор тумани	9	44.75	3	0	0.00	0	21	48.41	2	0	0.00	0
11	Қўшкўпир тумани	10	43.89	4	0	0.00	0	53	36.53	8	1	66.67	1
12	Боғот тумани	3	54.63	2	0	0.00	0	66	39.60	7	6	51.39	4
13	Янгиариқ тумани	3	35.19	10	0	0.00	0	80	47.85	3	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Немис тили						Француз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Урганч шаҳри	64	31.03	3	18	40.28	2	11	24.49	10	1	22.22	4
2	Хива шаҳри	10	29.44	5	3	39.81	3	1	22.22	13	0	0.00	0
3	Дружба шаҳри	5	22.22	13	2	20.83	6	2	36.11	2	0	0.00	0
4	Урганч тумани	17	23.86	10	1	88.89	1	9	34.26	5	1	16.67	7
5	Хива тумани	30	29.63	4	0	0.00	0	7	28.97	8	0	0.00	0
6	Хазорасп тумани	4	56.25	1	0	0.00	0	5	31.67	7	1	19.44	5
7	Гурлан тумани	4	22.22	12	2	30.56	4	25	34.33	4	0	0.00	0
8	Хонқа тумани	50	27.83	7	5	19.44	7	30	31.67	6	1	16.67	6
9	Шовот тумани	12	25.00	8	1	25.00	5	87	35.63	3	2	30.56	2
10	Янгибозор тумани	35	35.00	2	0	0.00	0	53	37.63	1	3	30.56	1
11	Қўшкўпир тумани	26	24.04	9	0	0.00	0	36	23.46	12	2	27.78	3
12	Боғот тумани	26	22.44	11	0	0.00	0	30	23.98	11	0	0.00	0
13	Янгиариқ тумани	4	29.17	6	0	0.00	0	12	27.55	9	0	0.00	0

ЖЮЛ ВЕРН МУКОФОТИ

Шу йил май ойининг ўрталарида француз денгизчиси Оливье де Керсозон ўзининг «Спорт Элек» яхтасида ер шарини 71 куну 14 соату 18 минутда айланиб чиқиб рекорд ўрнатди. Де Керсозон ва 6 денгизчи «Жюл Верн» кубоги соҳиби бўлдилар. Ушбу мукофот ер юзини 80 кунда айланиб чиқолганлардагина насиб этади, сабаби Ж. Вернинг машҳур фантастик асари «Ер юзи бўйлаб 80 кун» деб аталади.

КОМПЬЮТЕР — ХАЛОСКОР

80-йилларда бир қатор мутахассислар компьютерлаштириш инсонни қоғоз ташишидан қутқаради деб «башорат» қилгандилар. Бироқ Финландиядаги Турку шаҳар университети ўтказган тадқиқотга кўра, компьютерлардаги ахборот 42 фоиз ҳолларда керагидан ортиқча қоғозга кўчириб олинмоқда. Финларнинг тахминларига қараганда, турли конференцияларда иш жойидан туриб қатнашиш имконини берувчи техник воситалар пайдо бўлгач, қоғозларга эҳтиёж камая боради.

КОСМОДРОМ — КЕМА

Норвегиянинг Ставангер портида биринчи сузувчи космодром қуриб битирилди. Юқори қавати уч-тўрт футбол майдонига тенглашувчи кеманинг баландлиги 150 метр. Космодром Норвегия, Украина, Россия, АҚШ иштирок этаётган халқаро «Си-Ленг» дастури доирасида яратилди. 1998 йили ёз ойларида Тинч океанининг экватор қисмида космодромдан ракета учирилиши бошланади.

ТИТАНИК ҲАЛОКАТИГА 85 ЙИЛ

Улкан Титаник кемасининг 2207 йўловчи билан Атлантика океанида ғарқ бўлганига 85 йил тўлмоқда. Гамбургдаги кўргазмада 1985 йили кеманинг 3800 метр чуқурликдан топилган бўлаклари, йўловчиларнинг буюмлари намойиш этилмоқда. Шу пайттача ўша мудҳиш ҳалокатга аталган 3000 дан ошиқ китоб, 30 га яқин кинофильм чиқди. Ҳалокатда омон қолган 712 нафар йўловчининг авлодлари тузган 12 та «Титаник» жамиятининг маблағлари бахтсизликка учрагапларга ажратилиб келинмоқда.

ОДАМ МАЙМУНДАН ТАРҚАМАГАН

Австралиянинг Кенберре шаҳри университетининг профессори Саймон Истиль Ч. Дарвиннинг «одам маймундан тарқаган» деган ғоясини инкор этувчи кучли тажрибани амалга оширди. Биринчи одамсимон маймун — австролопитек маймундан 6-8 млн. йил ўтгач шаклланди, дейди даврвинизм тазминоти. С. Истиль эса австролопитек суякларидаги ҳамда шимпанзенинг генетик кодларини текшириб чиқиб, бу муддат 3 млн. йил эканини исботлаб берди. Шундай экан, австролопитек инсоннинг эмас, балки маймуннинг аждодидир.

РАИС ҚУРГАН МАКТАБ

«Мактаб қурган қолар савобга...» Хўжаликка сурункали 35 йил раислик қилган отаси, раҳматли Турғунбой Қаршиев ўғли Норқўзига бот-бот шундай дегувчи эди. От изини той босар, деганларидек, Норқўзи ҳам «Қаҳрамон» жамоа хўжалигига раҳбар этиб тайинланди-ю дастлабки эътиборини мактабларга қаратди.

Хўжаликнинг янги «Наврўз» ҳудудини айланиб, одамлар билан учрашиб... бундоқ қарасаки, ишлар жуда чатоқ. Аввал эшитиб, кейин ўз кўзи билан кўрган мактабнинг аҳволига рости, ачинди. Ажабо?! Олчинтепа қишлоғида мактабнинг номи бор-у лекин ўзи йўқ. Собиқ мактаб биноси қарийб ўн йил илгари бахтсиз тасодиф туфайли ёниб кетган. Ноилож қолган ўқитувчилар ва ўқувчилар энди нима қилишсин?! Очиғи, айтишга тил ожизлик қилади. Аммо бор ҳақиқат шуки, улар пиллахонадан паноҳ топишиб, шу тариқа ўн йил муттасил уч сменада ўқитувчилар дарс ўтишга, ўқувчилар эса сабоқ тинглашга мажбур бўлишди. Шу ўринда собиқ раҳбарларнинг ва мутасадди ташкилотларнинг бундай бепарволигига қойил қолмай иложингиз йўқ!

— Ана, шунақа! Бултурнинг ўзида Олчинтепада замонавий мактаб биноси қурилишини ғайрат ва шиддат билан бошлаб юбордик, — дейди раис Норқўзи Қаршиев. — Бу-нинг учун атиги 3 ой муддат кифоя қилди. 240 нафар ўқувчига мўлжалланган барча қулайликларга эга мактаб биноси болажонлар ва уларнинг устозларига тортиқ этилди.

Мана, энди Олчинтепанинг қулинг ўргулсин ўз мактаби бор!

Биз мазкур 35-ўрта мактабнинг устоз ва шогирдлари даврасида бир муддатгина бўлиб, уларнинг чексиз-чегарасиз қувончларига шоҳид бўлдик. Мактаб директори Бўстон Ибрагимова барча-барчанинг миннатдорчилик туйғуларини ифодалаб, шундай деди:

— Раисимиз Норқўзи ака Қаршиевга катта раҳмат! Мана, у кишининг юзи-кўзи олдида болажонлар билим масканимиз қучоғини тўлдириб, баҳорнинг дуркун ниҳолларидай камол топишаяпти. Ўйлаймизки, ҳар бирининг қувончи раисимизнинг ҳам қувончидир!

Ҳа, айтганча, хўжаликнинг Пичоқчи қишлоғида ҳам 780 ўринли замонавий мактаб биноси қурилиши ниҳоясига етиш арафасида турибди. Ҳадемай, бу ўқув кошонасига ҳам болажонларнинг қутлуғ қадами етади.

Оқдарёлик раис Норқўзи Қаршиев, иншооллоҳ, мактаб қураверсин, савобга ботаверсин! Савобга ботган одам эса...

Абдулла ТУРДИЕВ,
журналист.

«МАЪНАВИЯТ БЕШИГИНИ МУАЛЛИМЛАР ТЕБРАТАДИ»

Ҳамза номидаги Шаҳрисабз педагогика билим юрти директори Маҳмуд МАМАТОВ билан қилган суҳбатимиз ҳам ана шу хусусда бўлди

— Маҳмуд ака, энг аввало, билим юрти ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Мустақиллик муносабати билан билим юртимиз том маънода қайта туғилди. Бошқарув тартибларимиздан тортиб, ўқитиш услубларимизгача, талабаларимизнинг илм ўрганишидан тортиб, яшаш тарзларигача ҳамма-ҳаммаси янги мезонларга алмашилди. Айни кунда илм масканимизда 37 та гуруҳда 1144 нафар бўлғуси муаллимлар ва болалар боғчаларининг бўлажак тарбиячилари тарбияланмоқдалар. Жамоамизда 92 нафар ўқитувчи бор. Уларнинг илмий-назарий савиясини мунтазам ошириб бораётирмиз.

Талабаларимизнинг талаблар даражасида илм ва малака эгаллашлари учун қўлимиздан келган барча имкониятларимизни ишга солаётирмиз. Кутубхона, қироатхона, спорт зали, ошхона ва чойхона, мустақил компьютер ўрганиш хонаси, «Маънавият ва маърифат» хоналари ва заллари, ҳаммом ва саломатликни тиклаш хоналари, савдо дўконларимиз, маиший хизмат кўрсатиш хоналаримиз барча-барчаси талабаларимизга намунали хизмат кўрсатаётир.

Ётоқхона билан таъминлашимизни сўраб ариза билан мурожаат қилган 450 нафар талабамиз ётоқхона билан таъминланган. Биз яна лозим бўлса, тағин 50 нафар талабани ётоқхона билан таъминлаш имкониятига эгамиз.

— Домла, сизнингча маънавият нима? Миллий ғурурчи?

— Менинг фикримча, маънавият шундай бир мезонки, у миллат, халқ, жамият, шунингдек, алоҳида шахсларнинг ҳам тараққиёт даражасини белгилаб беради. Ана шу мезон орқали давлат ва шахснинг қанчалик маърифатли, маданиятли эканлиги баҳоланади. Яна бир гап: ҳамма вақт халқ ўз Ватани олдида бурчлидир. Маънавиятнинг энг муҳим шарти ҳам ана шу бурчни ҳис эта билишдир. Айни кунда мустақил ёш мамлакатимиз жаҳон оммасига унутилган миллий қадриятларимизнинг тикланаётганлигини, маънавиятимиз кун сайин юксалаётганлигини, бир сўз билан айтганда, ўзбеклигимиз қайтиб келаётганлигини кўз-кўз қилаяпти. Биргина мисол сифатида буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик табаррук тўйларининг бутун юртимиз бўйлаб халқ ташаббуслари асосида нишонланишини қаранг. Биргина Шаҳрисабз мисолида кузатилганда ҳам, худди ана шу тадбир муносабати билан ҳам кўплаб савобли ишлар амалга оширилди. Жойларда қанчадан-қанчалаб халқ байрамлари ўтказилди, курашлару кўпкарилар бўлди. Шаҳрисабз шаҳрига дунёнинг барча бурчларидан меҳмонлар келишди, ажойиб миллий маънавиятимизга қуллуқ қилишди. Шаҳрисабз шаҳрига Амир Темур ордени берилди, улуғ бобомизнинг салоҳиятли ҳайкаллари ўрнатилди, хиёбонлар, кўчалар, маданият саройлари, мактаблар, болалар боғчалари, бозорлар, яна қанча-қанчалаб иншоотлар янгидан қурилди, мавжудлари қайта жиҳозланди, ободонлаштирилди. Мана бунинг барчасида миллий ғурурни ҳис этаман...

— Маҳмуд ака, маънавият ва маърифат борасида билим юртингизда амалга оширилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар хусусида гапирсангиз.

— Кундалик турмушимизни кузатсангиз бир ҳаётий ҳақиқатнинг гувоҳи бўласиз: маънавият бешигини муаллимлар тебратади. Билим юртимиз эса келажаги буюк мамлакатимизга устоз-муаллимлар тайёрлаб беради. Бас, шундай экан, бизнинг энг биринчи даражали мақсадимиз талабаларимизни маънавий етук қилиб тарбиялашдир. Жамоамиз бундан анча бурун, яъни Президентимиз 1994 йил 23 апрелда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш бўйича Фармон қабул қилганларидаёқ бу долзарб масалага астойдил киришгандилар. Ана шу пайтдаёқ билим юртимизда «Маънавият ва маърифат» маркази тузилиб, бу борада қатор ишларни бошлаб юборгандик.

Ҳозирги кунда билим юртимизда «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича шуғулланувчи махсус лавозимдаги директор муовини ва услубчи ходимларимиз бор.

Билим юртимизда «Маънавият ва маърифат» хоналари ва заллари ташкил этдик. Улар давр талаблари асосида жиҳозланди. «Маънавият ва маърифат» залларимизда «Ўзбекистонинг буюк келажаги», «Президентимиз — фахримиз», «Давлатимиз рамзлари», «1997 йил — Инсон манфаатлари йили», «Юртимиз саодати ҳақида ёзилган китоблар», «Янги тарихимизни ўрганамиз» деб номланган махсус бурчаклар ташкил этдик.

Дарвоқе, кутубхонамизни бойитиш асосий мақсадларимиздан бири ҳисобланади. Яқиндагина ҳам 150 минг сўмлик янги бадиий китоблар олиб келдик. Ҳозир кутубхонамизда 13 мингдан ошиқ бадиий китоблар бор. Ўқувчи ва ўқитувчиларимизнинг энг сара ишларидан намуналар жамлаб ижодий ишлардан кўргазмалар зали ташкил этдик. Халқимиз орасида «Келажакка интилар бўлсанг, зинҳор ўтмишингни унутма», деган ибратли гап бор. Жамоамиз аҳли билим юртимизда халқимиз тарихи музейини ташкил этишди. Яна бир иш — «Маънавият ва маърифат» музейини бунёд этиш ишига қўл урдик. Билим юртимизда «Ёш маърифатчи» деб номланувчи кичик радиостанцияни ишга туширгик. Тарғиботу ташвиқот ишларимизда билим юртимиз радиосининг беминнат хизматидан фойдаланаяпмиз.

Доно халқимизда: «Айбингни бандадан яширганинг билан худодан яшира олмайсан» деган гап бор. Инкор эта олмаймиз, ишимизда бир талай хато ва камчиликлар ҳам бор. Бироқ жамоамиз ўзаро аҳил, ҳар бир аъзомизнинг қўлидан бир иш келади. Энг муҳими, жамоамиз аъзоларининг мақсад ва режалари юртбошимиз олиб бораётган одил сиёсатга ҳамоҳанг.

Суҳбатдош Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг ўз мухбири.

Ta'kid

АЖДОДЛАРДАН ҚОЛГАН ЖОЗИБА

Шукрки, 5—6 йилдан буён мактабларда эски ўзбек ёзуви дарси ўтилмоқда. Бу ёзувни кўпчилик зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Эски ўзбек ёзувини ўргатиш учун кўплаб хилма-хил қўлланмалар, дарсликлар чиқарилди. Лекин, афсуски, ўтган йилдан буён бу ёзувни ўргатишга бўлган эътибор анча сусайгандай туйилади. Кўпгина мактабларда араб ёзуви мутлақо ўргатилмай қўйилди. Шундай ажойиб замон келганда ушбу азиз ёзувимизга нисбатан қўққисдан бефарқ бўлиб қолишимиз ажабланарлидир. Шуни фахр билан айтиш керакки, факультатив соатларидан унумли фойдаланиб, эски ўзбек ёзуви дарси ўтилаётган, ҳатто, қобилиятли ўқувчиларни йиғиб мунтазам тўгарак машғулотлари олиб бораётган мактаблар ҳам бор. Шундай имкониятлар яратиб берган раҳбарлар иши таҳсинга сазовордир.

Айниқса, ҳозир қадриятларимиз тикланаётган, ўзлигимизни таниётган, аждодларимиздан, уларни бизга қолдирган улкан меросларидан фахрланаётган, ғурурланаётган бир пайтда эски ўзбек ёзувини ўрганишга бўлган эътибор янада ошса айни муддао бўлур эди. Негаки, айтганларимизнинг барчасининг тагида араб ёзуви ётади.

Эски ёзувимиз мазмун беришдан ташқари, ўзига хос санъатни ҳам ифода этади. Шундай экан араб ёзувини ўрганмай туриб, мумтоз адабиёти вакилларининг асарларини тўлароқ тушунмоқ, ғоялларини ҳис қилмоқ, сир-асрорларидан воқиф бўлмоқ, шунингдек, минг йиллардан буён инсонларга тўғри йўлни кўрсатаётган муқаддас китоб бўлмиш «Қуръони карим»ни тўғри ўқимоқ мумкин эмас.

Мумтоз адабиётимизда ҳарфий санъат ва бадиий адабиётнинг турли кўринишлари бўлмиш ўхшатиш, муаммо, «абжад» ҳисоби, тарих, тажнис, қалб санъати ва бошқаларга шунчалик бойки, уларни тушунмоқ ёки ўзгаларга тушунтирмоқ учун араб ёзувини яхши билмоқлик шартдир. Шу борада баъзи мисолларни келтириб ўтамиз.

VIII синф «Ўзбек адабиёти» дарслигига киритилган Фурқатнинг «Кашмирда» шеъридаги ушбу мисраларга эътибор берайлик:

«Нуқта лаб устида бежодур»,
— дедим, айди кулуб:
«Саҳв қилмиш котиби
қудрат магар таҳрирда».

Бу мисолда йигит ёридан «Нега холинг лабингнинг устида», — деб сураяпти. Бу билан йигит араб ёзувида «лаб» сўзининг ёзилишида нуқта «ба» ҳарфининг остида бўлишига лутфан ишора қилмоқда. Қиз ҳам хол қўйишда Котиби қудрат хато қилганмикан-а?! — деб ажойиб жавоб қайтармоқда.

Х синфнинг «Ўзбек адабиёти» дарслигида Навоийнинг қуйидаги рубоийси билан танишамиз:

«Жоним»даги «жим» икки
холингга фидо,
Андин сўнг «алиф» тоза ни
ҳолингга фидо,
«Нун»и доғи анбарин ҳилолингга фидо,
Қолган икки нуқта икки
холингга фидо.

Бу рубоийда «жон» сўзидаги «жим» Ёрнинг гажагига, алиф қоматига, «нун» қошига, қолган икки нуқтани эса икки холига ўхшатмоқда. Бундайин ажойиб ўхшатишларни тушунмоқ, улардан завқланмоқ учун эски ўзбек ёзувини билиш керак бўлади.

Шоир Дурбек «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг муқаддимасида достоннинг ёзилиш тарихини бундай кўрсатади.

«Зот» эди Таърих таки
«Хо»ю «дол»
Муддати ҳижратдан ўтиб
меҳу сол.

Достоннинг ёзилиши тарихи ҳарфларнинг қиймати билан босилган бўлиб 312 ҳижрий (1409 милодий) йилга тўғри келади. Кўринадики, достоннинг муқаддамасини тушунмоқ учун араб ёзувини билиш билан бирга ҳарфларнинг сон қийматидан, яъни абжад ҳисобидан ҳам хабардор бўлишга тўғри келади. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, эски ўзбек ёзувини ўрганиш ҳур диёримизнинг равнақи учун ғоят муҳимдир. Шу боис мазкур фанга эътибор кучайтирилса, дарс соатлари имкон қадар оширилса, болаларнинг ёшига, савиясига мос сифатли дарсликлар чиқарилса, ёш авлоднинг камол топишига, юртимизнинг келажаги порлоқ бўлиши учун фақатгина фойда бўлур эди.

Араббой ЖАМОЛОВ.
Хўжаобод туманидаги
3-ўрта мактаб
ўқитувчиси.

ТУМАН ТИМСОЛИДА МАМЛАКАТ МАОРИФИ

Давр тезкор. Давлатимиз ривожланиш йўлининг ибтидоси саналмиш «ўтиш даври» ҳам ўтмиш мулкига айланиб бормоқда. Мамлакатимиз ҳаёти барча жабҳаларда тўғри изга тушмоқда. Енгиб ўтилган мувақкат қийинчиликлар эса маълум маънода муваффақият учун ҳам хизмат қилди, «тозаловчи» вазифасини ўтади — «элакдан ўтказилган» барча соҳаларда фидойи инсонлар сараланиб қолди. Хусусан, «маорифдаги тозариш» ҳақида ҳам бугун кўп гапиришмоқда.

Хўш, эндиликда сараланган касбдошлар қайси йўлдан боришади? Эски йўлдан кетишадими, ё янги имкониятлар эшигини қидирадиларми? Бу ўринда касбини ўз аъмолига айлантира билган ўқитувчиларимизнинг иш услубига назар ташлаш кифоя. Улар тарбия масаласида эски, чекланган қолиплардан воз кечиб, миллий ва дунёвий анъаналардан келиб чиққан ҳолда иш кўрмоқдалар.

Биз Сирдарё вилояти Шароф Рашидов тумани тимсолида мамлакатимизнинг янгиланаётган маорифини кўргандай бўлдик. Яқинда туманда бўлиб ўтган «Ўқув-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш» мавзуидаги вилоят семинарида иштирок этган маорифчиларда ҳам шундай таассурот қолган бўлса, ажаб эмас.

Қизғин руҳда ўтган мазкур семинарда Республика Давлат таълим стандартлари инспекцияси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов, Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Светлана Ғуломова, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган халқ таълими бўлими раҳбарлари, илғор мактабларнинг директорлари, шунингдек, қўшни Жиззах вилоятидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Гуландом Субҳонова етакчилигида ташриф буюрган бир гуруҳ маорифчилар иштирок этишди.

Семинар кун тартибига кўра, иштирокчилар Шароф Рашидов туманининг илғор 6, 12, 14, 21-мактабларида бўлишиб, дарсларни кузатдилар. 6-мактаб ҳовлисида ташкил этилган «Янги педагогик технология асосида дарс ишланмалари» кўргазмаси билан танишув йиғилиш қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Шундан сўнг ушбу мактабнинг мажлислар залида семинарнинг асосий қисми бўлиб ўтди. Унда «Ўқув-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг баъзи масалалари», «Умумтаълим мактабларида тест-рейтинг тизимини қўллаш», «Бошланғич синфларда кўп балли баҳолаш тизимининг ўзига хослиги ҳақида», «Янги турдаги таълим муассасаларида кўп балли баҳолаш тизими ҳақида» мавзуларида маърузалар тингланди.

«Яқинга қадар технология ижодкорлиги тушунчаси саноат ишлаб чиқариши, қурилиш ишлари, деҳқончилик ишлари ва бошқа соҳаларда қўлланилиб келинарди, — деди йиғилишда сўзга чиққан Сирдарё вилояти ПХМОИ ректори Эркин Куйбишев. — Бугунги кунда бу тушунчанинг таълим соҳасига кириб келиши тасодифий эмас, албатта. Биз бу тушунчани таълимга оид тушунчалар системасига мувофиқлашиб кетади, деб дадил айтишимиз мумкин.

Технология ижодкорлиги тушунчаси — ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ва уларни ривожлантириб бориш соҳасида ҳали бирор манбада ёритилмаган янгиликни, ғояни олга суриш, таълим жараёнини ана шу ғоя заминига қуриш, бошқача қилиб айтганда, таълим-тарбия жаранига ижодий ёндашишни, оригиналликни ўз ичига олади».

«Кейинги йилларда, — дея сўз олди шу институтнинг педагогика ва психология кафедраси мудири Раим Каримов, — республикамиз таълим тизимида ўқувчилар билим даражасини аниқлашнинг янгидан-янги усуллари қўлланилмоқда. Шулардан бири ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш усулидир. Бу борада Ш. Рашидов тумани маорифчиларини айнан шундай янги педагогик технология ташаббускорларидан бири десак, янглишмаймиз».

Дарвоқе, бу анжуманнинг айнан Ш. Рашидов туманида ўтаётганлигининг боиси ҳам шунда. Туман таълим тизимида бу ўқув йилида ялпи миқёсда ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг усулига ўтилганди. Йиғилиш маълум маънода қўлланилган янгилик натижалари сарҳисоби бўлди.

«Сўнгги пайтларда шаҳар мактабларига кўпроқ эътибор берилиб, қишлоқ мактаблари оз бўлса-да, назардан четда қолаётгандай, — дейди Республика Давлат таълим стандартлари инспекцияси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов. — Бундай ҳолатда изланувчан, ўз ишининг фидойиси бўлган қишлоқ ўқитувчилари зиммасига катта масъулият тушади. Шароф Рашидов тумани мактаблари ишини ўрганиб чиқиб бир нарсадан мамнун бўлдик. Бу ерда ўз касбини жондан севган, ижодкор ўқитувчилар жуда кўп экан. Улар ҳақида мана уларнинг ишлари сўзлаб турибди. Эндиликда туман маорифида кўп балли баҳолаш тизимига ўтишнинг биринчи босқичи яхши якунланди, деган хулосага келиш мумкин. Шунга қарамай, ҳали олдинда қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Ўйлайманки, изланувчан ўқитувчиларимиз ўз бошлаган ишларини муваффақият билан давом эттирадилар».

Ҳа, туман таълим тизимига тобора кўпроқ кириб бораётган янгиликлар ана шундай умид қилишга асос бўла олади.

Қизиқарли ўтган семинар якунида Узбекистон Халқ ўқитувчиси, Шароф Рашидов тумани халқ таълими бўлими мудири Холмўмин Шукуровни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тантанада тажрибали мураббий, ёшларнинг севимли устози Холмўмин ака Шукуров шахси, у киши амалга оширган ибратли ишлар хусусида самимий гаплар айтилди.

И. БЎРИБОЕВ.

Маълумингизким, газетамизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тайёрланган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани дастури асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси томонидан тайёрланган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» изоҳли луғати «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилганлиги ҳақида маълумот берган эдик.

Қуйида мазкур изоҳли луғатга киритилган айрим сўзлар билан сизларни таништиришни жоиз деб топдик. Умид қиламизки, улар сиз азиз мураббийлар ҳамда ўқувчилар, газетхонлар учун асқотади.

ҲУҚУҚИЙ САБОҚЛАР

ҲУҚУҚ — бажарилиши мажбурийлиги ўрнатилган юриш-туриш қоидалари, хатти-ҳаракатлардир. Ҳуқуқнинг мажбурийлиги давлат томонидан ўрнатилади ва бажарилиши таъкидланади. Ҳуқуқ тушунчаси — фуқароларга нисбатан олинса, у Конституциявий ёки оддий ҳуқуқларга бўлинади. Конституциявий ҳуқуқлар конституциявий меъёрлар билан, оддий ҳуқуқлар оддий қонунлар билан тартибга солинади. Ҳуқуқ ўз навбатида тармоқларга бўлинади: конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва бошқалар.

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ — ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини, рўёбга чиқишини таъминловчи воситадир. Ҳуқуқ ва эркинликларни қонунларда ёзиб қўйиш билан чекланмай, шу қонунларда уларни амалга ошириш йўллари ҳам белгиланиши — ҳуқуқий кафолат ҳисобланади. Бундан ташқари ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошиши учун иқтисодий манбалар, имкониятлар ҳам зарур. Ана шу имкониятларнинг яратилиши иқтисодий кафолат ҳисобланади.

ҲУҚУҚ БУЗИЛИШИ — ҳуқуқ меъёрларига, яъни қонун ва бошқа ҳужжатларга риоя қилмаслик. Ҳуқуқ бузилиши, қасддан ёки эҳтиётсизликдан ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари ҳуқуқ ҳаракат туфайли ёки ҳаракатсизлик туфайли ҳам бузилади. Ҳуқуқ оддий фуқаролар томонидан ҳам, мансабдор шахслар томонидан ҳам бузилиши мумкин. Кўп ҳолларда қонунларни билмаслик ҳам, ҳуқуқ бузилишига олиб келади.

ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИ — барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқатидир. Ҳуқуқ лаёқати барча учун тенг равишда эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди. Ҳуқуқ лаёқати баъзи ҳолатларда фуқаро туғилмасдан ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, она қорнидаги фарзанд вафот этган, отаси қолдирган мерос мулкига нисбатан ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ — ҳуқуқий меъёрлар қайд қилинган ҳужжатлар. Ҳуқуқ манбалари — Конституция, Конституциявий қонунлар, фармонлар ва ҳокимият органларининг ҳужжатлари ҳисобланади.

ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ — ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчилардир. Булар жисмоний шахслар (кишилар) ва юридик шахслар (идора, корхона, ташкилот, муассасалар) бўлиши мумкин. Турли ҳуқуқ тармоқларининг субъектлари ҳар хил бўлиши мумкин.

ҲУҚУҚ ТАРТИБОТ — ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинадиган бажарилиши ҳамма учун мажбурий тартиблар.

ҲУҚУҚ ТИЗИМИ — ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган турли ҳуқуқ тармоқларининг йиғиндиси. Масалан, Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва Ўзбекистондаги бошқа барча ҳуқуқлар бирлашиб, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимини ташкил этади.

ҲУҚУҚ ЎХШАШЛИГИ (АНОЛОГИЯСИ) — тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига ҳамда ҳаллоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланишидир. Фуқаролик ҳуқуқларини чеклайдиган ва жавобгарлик белгилайдиган меъёрларни ўхшашлик бўйича қўлланишига йўл қўйилмайди.



Болалик — ҳайратлар дунёси.

Бу даврда ҳамма нарса қизиқ. Жумбоқ бўлиб туюлганларнинг барчаси туфайли болажонлар савол берадилар; «Бу нима?», «Нега?»

Суратда кўриб турганларингиз кичкинтойларнинг нигоҳларида ҳам шу савол акс этгандек. Аслида ҳам шундаймикин? Йўқ, улар байрам, тантана ҳақида озгина бўлса-да, тасаввурга эгалар. Шу боис байрам дейишса, чапак чалишади: «Урра!»

Тошкент шаҳридаги 476-болалар боғчасининг тарбияланувчилари ўзига хос спорт байрамининг иштирокчилари бўлишди. Коптокчалар, байроқчалар, айланалар уларга эрмаксифат нарсалар эмас, мусобақа воситалари бўлиб хизмат қилди. Қисқа лаҳзалар бир хил ва бир вақтда қайд этилишига қарамай, кичкинтойларни чаққонликка, эпчилликка ундаши билан изоҳланди.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ЧЎЛПОН ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири, лирик шоир ва таржимон Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам профессор-ўқитувчилар жамоаси талаба-ёшлар орасида Чўлпон таваллудига бағишланган кўплаб тадбирлар ишлаб чиқдилар. Айниқса, Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишлаб ижтимоий фанларнинг махсус йиғинларини ташкил этиш, ёшлар билан Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишлаб адиблар, санъаткорлар, олимлар, давлат ва жамоат арбобларининг учрашувларини уюштириш, адабий кечалар ташкил этиш ҳамда университет кутубхонасини Чўлпон асарлари билан мунтазам таъминлаб бориш ва унга бағишлаб китобхонлар конференцияларини ўтказиб туриш кенг тус олмоқда. Буларнинг барчасида профессор Исмоил Соифназаров, доцентлар Холдор Мамараҳимов, Сирожиддин Турсуновларнинг ҳиссаси катта. Яқинда университет фаоллар залида чўлпоншунос олимлар билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Бунда, айниқса, Республика Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиётшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримовнинг «Чўлпон — миллий уйғониш адабиётининг буюк намояндаси» мавзуидаги маърузасуҳбатлари, профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшларнинг ўнлаб саволларига берган жавоблари тўрт юздан зиёд тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди. Шунингдек, кеча охирида Чўлпон ижодидан куй ва қўшиқлар янгради.

Суннатулла РИЗАЕВ.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор Исматулла Абдуллаев ўзининг илмий-оммабоп ва ахлоқ-одобга оид мақолалари билан газетамизга ҳамкорлик қилиб келмоқда. Устоз — олим 70 ёшга тўлдилар. Шу муносабат билан, яқинда ЎзРФА Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтида кенгайтирилган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Домла ҳозир Наманган Давлат университетида Шарқ тиллари кафедрасини бошқармоқдалар.

Газета таҳририят ҳайъати домлани табаррук ёшлари билан табриклаб, сиҳат-саломатлик, узоқ умр, илмий-тарбиявий ишларида улкан муваффақиятлар тилаш билан таълим-тарбияга оид мақолаларини газетхонларга ҳавола қилмоқдамиз.

ТАРБИЯ ОИЛАДА КАМОЛ ТОПАДИ

Бола қайси дин, қайси миллатга мансублиги, қаерда туғилишидан қатъи назар пок, гуноҳсиз, бўлиб дунёга келади. Ҳар қандай ота-она оилада фарзанд туғилиши билан чексиз миннатдор бўлади. Ёшлар эса қариндош-уруғ, яқинлардан «ойим ўғил туғдилар» ёки «қиз туғдилар» деб суюнчи олишади . Эҳтимол, дунёга келган янги мурғак келгусида йирик раҳбар, атоқли олим, ёзувчи, шоир, саркарда, мусаввир ёки бирор ҳунар пешвоси бўлар. Тарих саҳифаларида улмас из қолдирар, юртдошлари қалбидан жой олар.

Буюк Шайх Саъдий деган экан:

Ёд дорики, вақти зодани тў,

Ҳама хандон бунданду тў гиён.

Оғ чунон зи-ки, баъда мурдани тў,

Ҳама гирён шаванду тў хандон.

(Ёдингдан чиқармагинки, сен туғилган вақтда ҳамма хурсанд бўлган, сен эса йиғлаб тургансан. Дунёда шундай яшагинки, сен ўлганингда ҳамма йиғлаб қолсин, сен эса хурсанд бўлиб кет.)

Хўш, ана шу биз хурсанд бўлиб кутганимиз мурғак, келажакда ўғри, порахўр, раҳм-шафқатсиз, безори, қотил бўлиб чиқсачи?

Инсоният пайдо бўлибдики, ёмонлик билан яхшилик, ҳалол билан ҳаром, донолик билан жоҳиллик, ростгўйлик билан каззоблик, тўғрилик билан ўғрилик ёнма-ён. Ёмон иллатларнинг олдини олиш, жиноятчиларни жазолаш жамики давлатлар қонунларида қайд этилган. Ҳамма динларда бундай гуноҳ ишлар қаттиқ қораланган. Айниқса, Ислом динида, унинг муқаддас китоби Қуръони Карим ва пайғамбар ҳадисларида ёмон хулқ ва гуноҳлар жуда қаттиқ қораланган ва уни содир қилганларга оғир жазолар белгиланган. Қуръонда «ал-фитнату ашадду минал-қатл» (Фитна-фасод одам ўлдиришдан ёмонроқ), ҳадисда «ал-ғайбату ашадду мин аз-зино» (Ғийбат зинодан ёмонроқдир) дейилган. Яхши, комил инсон тарбиялаш, инсон феълидаги ёмон иллатларни йўқотиш ҳақида донолар не-не мақолларни, ҳикматли сўзларни айтмадилар. Олиму фозил, шоиру адиблар одоб ва ахлоқ масаласида кўплаб панд-насиҳатлар ёзиб қолдирдилар, улар авлоддан-авлодга ўтиб, китобдан-китобга кўчирилиб, ҳозирги техника тараққиёти даврида эса минглаб, миллионлаб нусхаларда чоп этилмоқда, бир тилдан иккинчи тилга ағдарилиб, дунёнинг турли бурчакларига ёйилмоқда.

Газеталарда жиноий ишлар кўрилган суд мажлислари натижалари ҳақидаги мақолаларни мунтазам ўқиб, радио эшиттиришларини ва телевизор кўрсатувларини эшитиб, кўриб бораман. Афсуски, қотил ва жиноятчиларнинг қурбонлари ҳаммаси ёш йигитлар, қўплари ҳали уйланмаган. Уларга нисбатан қалбимизда ғазаб-нафрат қўзғалади. Айб кимда, бу аҳволни қандай тузатиб булади? Қамоқ, жазодан бошқа чора йўқми, нима учун ёшлар ўртасида ахлоқ бузилиб кетяпти, шунинг олдини олишнинг иложи йўқми?

Бор, албатта. Энг биринчи чора болага оилада етарли тарбия бериш, бунинг учун ота ўзи тарбия олган, диёнатли, ҳалол-ҳаромни фарқ қиладиган маънавий бой, маърифатли булиши шарт. Болага ота-онанинг қаттиққўллиги, уриб калтаклаши, бемаъни ҳақоратлари ижобий таъсир бермайди. Энг аввал бола ота-онасидан ибрат олади, уларнинг яхши хислатларини ҳам, салбий хулқ-атворларини ҳам сезади, ҳам яхши, ҳам ёмон феъл-атвор, қилмишларидан ўрнак олади? «Қуш уясида кўрганини қилади» деган хикматли мақол бежиз айтилмаган. Агар ота ичувчи, чекувчи, ўғри, қиморбоз, зинокор, порахўр бўлса, қандай қилиб у боласига тарбия бериши мумкин? Ўзи шундай жирканч одатлардан холи бўлмаган ота фарзандини булардан халос қила оладими? Бола отанинг юзига солади. «Ичма» деса, «ўзингиз ичасиз-ку», дейди. Натижада бола ота-онаси қилган гуноҳ, салбий ишларни қила бошлайди, ота-она бундан қайтаришга ожиз. Пайғамбаримиз: «Кимки отасининг яхши ишларини давом эттирса, унинг савобининг ярми ўтиб кетган отага; кимки отасининг ёмон хислатларини давом эттирса, унинг гуноҳининг ярми отага бориб тегади» деганлар. Болани дунёга келтирган ота-она унинг тарбиясига бош қотириши керак: яхши от бола томонини олиб, ота панд-насиҳатлари самарасиз қолиши ёки болалар олдида бир-бирлари билан уруш-жанжал қилишлари ҳам бола тарбиясига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Баъзи оталар болага «Ойингнинг гапига кирма, у айтаверади» деса, баъзан шу сўзни она «отангнинг сўзига кирма» деб такрорлайди.

Болалар тарбиясига ёмон таъсир кўрсатадиган яна бир нарса — арзимаган сабаблар билан содир бўладиган қўйдирчиқди туфайли болалар «тириклай етим» бўлиб қолишидир. У ота ёки онанинг меҳр-шафқатидан маҳрум бўлиб, ё ўгай ота, ёки ўгай она тарбиясида қолади.

Ёшлар тарбиясига жуда ёмон таъсир этаётган энг жирканч нарса ичкиликдир. Оғир жиноий ишларнинг деярли 80-90 фоизига шишадаги оғу сабаб бўлмоқда. Ҳар бир оила бошлиғи буни жиддий ўйлаши ва ўз фарзандини ичкилик касофатидан сақлаб қолиши, бунинг учун аввал ўзи ундан сақланган булиши шарт.

Ҳозир бозор иқтисоди, анчагина моддий қийинчиликлар даври. Кўплаб мактаб болалари бозорларда сигарет, ароқ ва бошқа буюмлар сотиш ёки аравачаларда одамларнинг юкини ташиб, пул топишга ўрганиб кетди. Баъзилари мактабни бутунлай ташлаб кетяпти. Баъзилари эса ўқишга қатнаб-қатнамай энг паст баҳоларда ўқимоқда, сигарет чекиш, ароқ ичишга ҳам ўрганиб, жиноий ишларга қўл урмоқда. Буларнинг ота-оналари нима қилиб юришибди? Болалари топиб келган озгина маблағга маҳлиё бўлиб, уларнинг тақдирларини ўйлашаётгани йўқ.

Хулоса шуки, боланинг ахлоқли, одобли, ҳалолу пок, ростгўй, Ватани ва халқини севувчи, меҳнатсевар, камтар, маънавий бой, маърифатли инсон бўлиб етишиши оила ва ота-она зиммасидаги фарз ва қарздир.

Бола тарбиясида боғча ва мактаб, ўрта ва олий таълим муассасалари зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган. Бу соҳада ҳам тарбиячилар ўзлари тарбияли бўлишлари шарт. Домла ахлоқий нопок ёки таъмагир бўлса, ундай тарбиячидан бола таълим ололмайди, уларни ҳурмат ҳам қилмайди ва ўқувчи-талабалар ўртасида ундай домлалар ҳақида миш-мишлар, уларга турли лақаблар тўқиш ходисалари ҳам содир бўлади. Ундай ўқитувчилар қариган чоғида ҳам собиқ шогирдлари ҳурматидан маҳрум бўлади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ўқитувчи ота-она эмас, унинг ўз фарзандлари бор. Аёл ўқитувчиларнинг эса жуда кўп оила ташвишлари бор. Биз тан оламизми, йўқми, ҳеч қандай ўқитувчи ёт болаларга ўз фарзандига берган тарбияни беролмайди.

Мактабларда режалаштирилган ахлоқ-одоб дарслари баъзи жойларда талаб даражасида эмас. Бунга эътиборни кучайтириш керак.

Болалар тарбиясида маҳалланинг урни ҳам катта. Ҳозир Президентимиз маҳаллалар ҳуқуқи ва вазифасини тиклашда жон қуйдирмоқда. Бу ҳақда бир қанча фармонлар чиқди. Маҳаллада бирор оилада боланинг юриш-туриши ўзгариб қолса, унинг феъл-атвори бузилса, маҳалла фаоллари бефарқ бўлмасликлари керак. Яра катталашиб кетмасдан олдин унга ўз вақтида малҳам қўйиш зарур.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ.

Mulohaza

ҚИССАДАН ҲИССА

«Домлам бир куни тўсатдан мени чақириб, қаршисига ўтказади:

— Қани ўқи! Сабоғингни ўрганиб бўлдингми?

— Сувдай биламан, тақсир! — жавоб бераман шошилиб.

Ҳарфларнинг бирига қараб, бирига қарамасдан, тўхтовсиз шариллатиб ўқиб бераман. Мен энди алифбени шундай ўрганиб олганманки, агар уйқудан уйғотиб сўрасалар ҳам ҳаммасини ёддан айтиб бера оламан.

— Боракалло, ўғлим, офарин! Дуруст, дуруст. Алифбе тамом бўлди. Эртага ҳафтияк билан бирга яхши ёғли патирлар, бир сўлкавой пул олиб келасиз, йигитча, ўқдингизми? — дейди домлам кулимсираб.

— Хўб, тақсир, — дейман бошимни қимирлатиб.

Мактабдан чиққандан сўнг чопаман. Бирор жойда тўхтамасдан ғизиллаганимча уйга келаман. Домламнинг гапларини, ҳаммасини ойимга айтиб бераман.

— Ҳа тузук... — дейди онам ҳам севиниб, ҳам ичдан уҳ тортиб. — Чиқим, чиқим... Даданглан дом-дарак йўқ. Жиякнинг пули овқатга етсинми домлагами?

Ҳақиқатан, ҳали Иса, ҳали Каромат опам, домлага патир ёки палов, деб ҳиқиллаб турар эдилар, энди қаторга мен ҳам қўшилдим.

— Албатта, бугун патир ёпасиз, жон ойи, кейин... кейин бир сўм пул берасиз, — ялинаман онамга.

Эртаси эмас, индинга бир дастурхон кумурлайдиган ёғли патир ва уч танга пул кутариб, домлага олиб бораман...»

Синчков ўқувчи ушбу парчанинг ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг «Болалик» асаридан олинганини пайқаган бўлса керак. Сир эмас, мароқли ҳикоя этилган қисса ёдингизда ўрнашиб қолади. Унда ибратли воқеа-ҳодисалар шундай тизилганки, сиз бир зумда тарихга шўнғийсиз, одамларнинг турмуш тарзи, муомаласи, дарду ташвишларини томоша қила бошлайсиз. Ёзувчининг бир замонлар Тошкентнинг мўъжазгина мактабида кечган болалиги сизни беихтиёр оҳанрабодай ўзига торта бошлайди. «Шундай замонлар ҳам бўлган-а» деб қўясиз... Келинг қиссадан яна бир шингил тинглайлик»

— «Боракалло! Ўтир, чирогим, ўтир! Патир олиб келдингми? Э, боракалло. Тузук, — дейди тангаларни чўнтакка солиб.

Шу чоқ яна бир шогирд бир дастурхон ёғли кулча, бир тоғора қайноқ палов, дўппи ва «Сўфи Оллоёр» кўтариб келади. У бир бойнинг арзандаси, эркаси.

Домлам ўзида йўқ севиниб кетади. Дарров паловни, кулчаларни, мен келтирган патирларни шогирдларидан бирортасига буюриб, уйига жўнатиб турганида, тўсатдан қалин бир ошнаси келиб қолади...»

Хулласи, асардан сира бош кўтаргингиз келмайди. Қиссадан ҳисса чиқарай, ўша давр ҳаётига назар ташлай десангиз «Болалик»ни бошдан охир ўқиб тугатишингиз керак. Юқоридаги парчаларни эътибор билан ўқиб, мазмуни чақсангиз ўтмиш ва бугуннинг моҳиятини тушуна бошлайсиз. Айниқса, шогирднинг устозга ёки устознинг ўз ўғлига, яъни ўз шогирдига бўлган муомаласи бугунгидан бошқачароқ туюлади. Аслида бу ҳам тўғри. Йиллар ўзи билан бирга кўп нарсаларни олиб кетган. Тасаввур қилинг, янги ўқувчининг зеҳнидан мамнун бўлган домла «Боракалло» дея таҳсин айтди. Қушдай енгил тортган йигитча тўхтамай ғизиллаганича уйга чопади, онасидан ўтина бошлайди. Фарзандининг ўқишга чанқоқлигидан севинган она ҳар не қилиб бўлсада, ўғлининг илтимосларини рад этмайди. Майли, ўқисин, улғайсин, дейди у. Шу тобда ҳар қандай она боласи кўнглининг ўксиб қолмаслигини истайди. Фақат оналарнинг фарзандларига бўлган меҳри асрлар давомида заррача камаймай келаверади. Бугун ҳам, эртага ҳам улар фарзандларини бекаму-кўст қилиб вояга етказишни хоҳлашади. Ҳаётга қадам қўяётган ёшлар — 11-синф ўқувчиларини олайлик. Уларнинг орзу-ниятларига шерик ота-оналар болаларидан кучлироқ ҳаяжонда, ютуқларидан бошлари осмонда! Олий ўқув юртларида ўқиш орзусидаги ёшларнинг барчаси ҳозир «Ахборотнома»ларни тинимсиз варақлаб, кўпроқ ва яна кўпроқ билимни ўзлаштириб олишга шўнғиган, мактаблардаги имтиҳону синовлардан ўтиб олишга шошилган. Олдиндаги мақсаднинг завқидан бу пайтда ташвишлар ҳам енгил туюлади. Имтиҳонлар ҳар доимгидай утаверади: дарсликларни шошиб-пишиб ўқиб олган ўқувчилар, охирги синовларда шогирдининг билимини элакдан ўтказишга иштиёқманд муаллимлар, хоналарга тароват бериб турган гуллар, баъзида ясатиб қўйилган дастурхонлар, ҳамма-ҳаммаси кўнгилдагидек. Кейинги вақтларда, баъзи мактабларда имтиҳонлар компьютерларга топширилмоқда. Бу ҳам илғор янгиликлардан ҳисобланади. Имтиҳонга олиб келинаётган гуллар, совғалар, барчаси муаллимга билдирилган самимий меҳр рамзи. Зеро, ўқитувчи кўнгли ана шу биргина гулдан ҳам бутун умр ёришиб юради. Юқорида айтилганидек, бундай дамларда ота-оналар ҳам худди ўз устозлари билан хайрлашаётгандек аҳволда буладилар, чунки улар ҳам неча йиллар давомида фарзандлари ҳамда муаллимлар билан ҳамнафас бўлиб келганлар. Лекин ота-оналарнинг тайёрлаб бераётган дастурхонлари ўқитувчиларни бир оз ноқулай аҳволга солиб қўймоқда. Аслида, имтиҳон маҳали чойпой деган нарса ҳеч кимнинг малолига келмаслиги турган гап, аммо барибир «еган оғиз уялар» деган гап ҳам бор. Шунинг учунми, имтиҳон давомида хонада яхшилаб безатилган ва гул ва чойдан бошқа нарсанинг ҳожати унчалик ҳам бўлмаса керак. Ота-оналар эса ҳар қанча миннатдорчиликлари бўлса фарзандлари орқали эмас, балки ўзларининг бир оғиз илиқ сўзлари билан изҳор этишгани яхши. Бу муаллим кўнглини ҳам кўтаради. Шогирд эса ўқитувчидан олган билими билан унга ҳурмат келтиради, шу йўл билан келажакда муаллими олдидаги бурчини оқлайди.

«Болалик»даги парчага эътиборингизни яна бир қаратсак. Масалан, домланинг патир ёки палов олиши ўша даврга хос табиий бир ҳол. Бунинг ажабланарли ёки сиз тушунмаган томони ҳам йўқ, албатта. Чунки куриниб турганидек, эски мактаблар хусусий бўлиб, домлалар асосан ўз шогирдлари ота-оналари эҳсони эвазига кун кўришган. Бугунги кунда эса ўқитувчилар аввало давлат томонидан ойлик маоши олишяпти, ўнлаб имтиёзлардан фойдаланишяпти.

Биз қиссадан чиқарган бир чимдим ҳисса билан танишдингиз, холос. «Болалик»да ёзувчи томонидан қиёмига етказилиб тасвирланган устоз-шогирднинг муомаласи, маданияти эса шу куннинг ўқитувчиларига ҳам бу қиссадан ҳисса чиқаришга арзигулик томонлардир.

Ойбек ҲАКИМОВ.

Sport maydonchasi

ЭНГ ЁШ ФУТБОЛЧИ

Футбол мухлисларининг энг севимли ўйинчисига айланган Диего Марадона шу кунга қадар Аргентина, Испания ва Италия биринчиликларида қатнашиб 230 тага яқин тўп киритган. Бундан ташқари у жаҳон футболи тарихида терма жамоада ўйнаган энг ёш футболчи ҳамдир. Ҳақиқий майдонга Марадона атиги 16 ёшида тушишга муваффақ бўлган.

МАЙДОНДАГИ ЖАНЖАЛ

Буэнос-Айресдан 730 км узоқликда жойлашган Мендос шаҳрида «Бока Хуниорис» ва «Индепендьенте» командалари ўртасидаги учрашув пайтида катта тўқнашув содир бўлди. Натижада 25 киши қаттиқ жароҳатланди, 13 киши шифохонага ётқизилди. Қизиғи шундаки, терма команда футболчиларининг иккитаси қорнидан, биттаси эса оёғидан ўқ еган.

КЎЧАМИЗДА БАЙРАМ БЎЛДИ

Ниҳоят, миллионлаб футбол ишқибозлари орзиқиб кутган дақиқалар ҳам етиб келди. Якшанба куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш ўйинларини пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий ўйингоҳида Камбоджа миллий терма жамоаси билан ўтказишди. Ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтган ўйинда ўзбекистонлик футболчилар 6:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларни ўйинчиларимиздан С. Лебедев (2), Нўъмон Ҳасанов, А. Фёдоров, Ж. Ирисметов, Н. Ширшовлар киритишди.

ТЕЗ ГАПИРУВЧИ ШАРҲЛОВЧИ

Яқинда Британия радиосининг спорт шарҳловчиси тез гапириш бўйича рекорд ўрнатди. У атиги 30 сония ичида 176 та сўз айтишга улгурди. Маълум бўлишича, одамзотнинг меъёрий сўзлаш тезлиги бир дақиқага 140-160 та сўз тўғри келаркан. Демак, шарҳловчи меъёрдан салкам икки ярим баравар тез гапирган.

«ДИНАМО» ТЕННИСЧИЛАРНИ ЯНА ЧОРЛАЙДИ

Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда барча спорт турлари орасида катта теннисниг мавқеи, нуфузи, футбол сингари йилдан-йилга ошиб, ҳар томонлама нуфузли спорт турларидан бирига айланиб бормоқда. Шу йилнинг 30 май — 8 июнь кунлари пойтахтимиздаги «Динамо» теннис клуби кортларида профессионал теннисчилар ўртасида аёллар «Челленжер» халқаро турнири бўлиб ўтади. Мусобақага 37 мамлакатдан моҳир ракетка усталарининг келиши ҳам мўлжалланмоқда.

ЗИЁКОРЛАР АНЖУМАНИ

Ҳар бир давр маънавиятининг мезони маълум маънода давр кишиларининг китобга, мутолаага эҳтиёжлари билан белгиланади. Бу эҳтиёжни таъминлайдиган асосий манбаа эса шубҳасиз кутубхонадир.

Тарихдан маълумки аждодларимиз кутубхоналарни эъзозлаган, уларни авайлаб асраган. Хўш, бугунги замондошларимизнинг кутубхонага, китобга муносабати қандай?

Куни кеча бўлиб ўтган Республика кутубхона ходимларининг амалий семинари шу муносабатга озми-кўпми ойдинлик киритгандек бўлди. Семинарда барча вилоятлардан кутубхона ходимлари, Республикамизнинг кўзга кўринган нашриётлари вакиллари қатнашдилар.

Семинарни Алишер Навоий номидаги Республика Давлат кутубхонаси раҳбари А. Умаров кириш сўзи билан очар экан, республикамиз бош зиё масканида олиб борилаётган ишлар билан таништирди. Шунингдек, соҳа ходимлари олдида турган вазифалар тўғрисида гапирди. Уларнинг заҳматли меҳнатларига ривож тилади.

Семинарда кутубхоналарнинг моддий аҳволи, китобхонларнинг маънавий эҳтиёжи, шаклланаётган китоб бозорининг истиқболлари хусусида қизғин мунозаралар бўлиб ўтди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг маданий-маърифий ишлари ва халқ ижодиёти бошқармасининг бошлиғи Р. Хўжаев иштирок этди.

З. РЎЗИЕВА.

«Shunqor—97»

Эрта тонгданоқ Чирчиқ танкчи муҳандис-командирлар олий ҳарбий билим юрти ҳовлиси байрамона тус олди. Бу ерга ташриф буюрганлар «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг финал босқичи шоҳиди бўлиб, бир олам қувонч ва завқ олдилар. Тантана унутилмас таассуротларга бой бўлиб, у ўқувчи ёшлар қалбида ёрқин из қолдирди...

....Диллар энтикади, кўзлар қувончдан порлайди. Орзу қилинган дамлар тобора яқинлашмоқда. Анвойи баҳор гулларини бағрига босиб, ҳаяжонда турган устоз мураббий, ёру дўстлар нигоҳларини сафда мағрур қад ростлаб турган ўғлонларга қадаб, ушбу ажойиб дамнинг ҳар бир дақиқасини юракларига муҳрлаётгандай гўё.

«Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасининг тантанали очилишида республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев нутқ сўзлади,. Нотиқ ўсмирларга келажакда она — Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги, халқимиз тинч ва осудалиги, яратувчанлик меҳнатининг мард ва жасур ҳимоячилари бўлиб етишишларига омад тилади.

Шундан кейин Ўзбекистон байроғи салобат билан тантанали равишда майдон узра олиб ўтилди. Барча вилоятлардан келган командалар алоҳида-алоҳида бўлиб саф тортиб ўтишди. Айниқса, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 25-ўрта мактаб ўқувчиларининг ўқтам овоз билан

Тонглар отар,
Тонглар отар,
Шафақлари қизил ол.
Она юртим, барпо юртим,
Келди сенга Истиқлол.
Бир сарҳадинг Сирга туташ,
Бири Аму-дарёга
Ўзбекистон, Ўзбекистон
Дунёга чиқ, дунёга

деб куйлаганларида ҳамма уларга жўр бўлди. Тантананинг байрамона руҳини кўргазмали чиқишлар давом эттирди. Ёш спортчилар ўз ҳарбий маҳоратларини аъло даражада намойиш этдилар. Аслида «Шунқорлар» мусобақаси чақирув мавсумигача бўлган асосий ва зарур оммавий мудофаа ишлари қаторига кириб, лицей-гимназия, касб-ҳунар таълими, ўқув юртлари ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини яхшилашга ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур мусобақа ўқувчиларда мардликни, қатъиятликни, куч-ғайратни, интизомни, жамоатчиликка танишишни тарбиялайди.

3000 км.га югуриш, турникка тортилиш, граната улоқтириш автоматдан ўқ узиш, ҳарбий техника билан «муомала», ижтимоий-сиёсий тайёргарлик беллашувининг асосий шартларидан ҳисобланди. Унда барча вилоятлардан 28 жамоанинг 300 нафардан зиёд ўқувчи ёшлари ўзаро беллашишди. Биз қуйида ҳарбий ўқув машғулотларидан айрим лавҳаларни келтириб ўтмоқчимиз.

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

Ўқувчи Юсупов: уч дона жанговар ўқ қабул қилиб олдим.

— Ўқ отиш чизиғига қараб олга!

БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!..

— Юқоридаги буйруқ ва ижро сўзлари билим юртининг ҳарбий ўқув майдонида яна бир маротаба тилга олинди. Бу ерда ўқувчи ёшларнинг автоматдан жанговар ўқ отиш бўйича мусобақаси бўлиб ўтди.

Малакали зобитлар ўсмирларга жанговар қурол билан қандай «муомала» қилиш кераклиги тўғрисида қисқача тушунтириш берди. «АКМ» автоматини қандай ишлатишни, ўқ отиш жараёнида қандай ҳолатларда бўлишни кўрсатиб беришди.

Беллашувда қатнашаётган ўқувчиларга якка тартибда отиш учун 8 дона, кетма-кет отиш учун 6 дона жанговар ўқ берилди. Якка тартибда отиш учун 100 метр узоқликдаги, кетма-кет отиш учун эса 200 метр узоқликдаги нишонлар белгиланди. Ўсмирлар навбатма-навбат ўт отиш чизиғига ётиб, нишонни мўлжалга ола бошладилар.

Ниҳоят ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. Тўғри нишонга отиш пайтида ўсмирлар бир қатор камчиликларга йўл қўйишди ҳам. Бироқ уларнинг кўпчилигида ҳарбий қурол билан «муомала» қилишда етарли кўникма ҳосил бўлганлиги бизни беҳад қувонтирди. Назаримда, қўлларига қурол олган ўсмирлар мардлик сари яна бир қадам қўйгандек туюлди. Ўқ отиш машғулотлари давом этаркан, Халқ таълими вазирлигининг бўлим бошлиғи Турсунқул Муҳиддиновни суҳбатга тортдим.

— Ўқувчи ёшларнинг «Шунқорлар» мусобақасини ўтказиш фикри анча йиллар илгари туғилган эди. Лекин айрим сабабларга кўра бу ташаббус амалга ошмай қолди. Биз ниҳоят республикада биринчи маротаба «Шунқорлар» беллашувининг финал босқичини ўтказаяпмиз. Ўқувчи ёшларнинг аъло қайфиятда эканликларини кўриб, мусобақанинг аҳамияти анқадар катта эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиб турибмиз».

Бу орада командалар барча турлар бўйича машғулотларни якунлашди. Натижаларга кўра мактаблар ўртасида биринчи ўринни наманганлик ўқувчилар эгаллашди. Андижон вилояти командасига иккинчи ўрин насиб этди. Беллашувда Тошкент вилояти вакиллари учинчи ўринни олишди. Лицейлар ўртасида эса Навоий вилояти ўқувчилари биринчи, сурхондарёликлар иккинчи, андижонлик ўқувчилар учинчи ўринлар соҳиби бўлишди. Ғолиб жамоаларга республика «Камолот» жамғармаси, Халқ таълими ва Мудофаа вазирликларининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Биз чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчилари билан ҳам суҳбатда бўлдик. Қалб қўри ила самимий айтган дил сўзларини қоғозга туширдик.

Бўри МАДАТОВ,
Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 5-ўрта мактаб директори:

— Ушбу мусобақани ўтказишда бизда анча-мунча тажриба мавжуд эди. Тўғри, аввалгилари ҳам «Аскар» номи билан ҳарбий спорт мусобақалари ўтказиб турилар эди. Республика миқёсида биринчи маротаба ўтказилаётган «Шунқор» мусобақаси ундан тубдан фарқ қилса-да, ўсмирлардаги қизиқиш, муносабат янада ошганлиги мусобақадан маълум бўлиб қолди.

Айниқса, ушбу мусобақанинг ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида камол топишида аҳамияти нечоғлик каттадир.

Бозорбой МАННОПОВ:
Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 16-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси:

— Бугунги кунда мустақил она — Ватанимиз тинчлик посбонлари, ҳар томонлама баркамол бўлиб воғга етишларига катта аҳамият берилмоқда. Шу маънода бундан бир неча йил аввал амалга оширилиши керак бўлган иш ҳечдан кўра кеч бўлса-да дунё юзини кўрди. Мен «Шунқорлар» мусобақасини ўтказишга бош-қош бўлган республика «Камолот» жамғармасига ҳамда Халқ таълими, Мудофаа вазирликларига чексиз миннатдорчилик билдираман.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтиш мумкинки, «Шунқорлар» ўқувчи ёшларнинг нафақат қурол-яроғдан фойдаланишга, шаҳдам қадамлар ташлаб юришга ҳам ўргатди, уларнинг қалбида қатъиятлилик, интизом, ирода сингари ажойиб хислатларни ҳам шакллантирди. Бу ўз навбатида муносиб юрт посбонларининг етишиб чиқишига кафолат беради. Зеро, баҳодир посбонлари бор юрт тоабад тинч ва узоқ умр кўради.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

СУРАТДА: мусобақадан лавҳалар.

В. ГРАПКИН олган суратлар.

Xullas...

БАЛО ЧИҚҚАН БОЛА

Боку шаҳридаги 286-ўрта мактабнинг иккинчи синф ўқувчиси Вугар Халилов бало чиқиб қолди. Синфдошлари оддийгина математик масалани ҳал қилолмай, парта тагига яширинча бош суқиб «шпаргалкалар» билан шивирлашиб турган бир пайтда Вугар ута мураккаб ҳисоб-китобларни ҳам бир лаҳзада амалга оширади. Мутахассисларни ҳайратга солган сир шундаки, бокулик билагон бола тенгламаларни ечишда шу чоққача ҳеч бир математик олимларга маълум бўлмаган усулларни қўлламоқда. Генетика алломалари эса Вугар Халиловдаги бундай ноёб қобилиятнинг сирини биз биламиз, дея керилишмоқда. Уларнинг таъкидлашича, бу — ирсий хусусият эмиш. Чунки Вугарнинг ота-онаси ҳам нуфузли математиклар экан...

НОМУСНИНГ ЗЎРИ — ЧЎНТАКНИНГ ШЎРИ

Вильнюс шаҳар маҳкамаси бир неча кун ғала-ғовур ва саросима ичида қолди. Чунки мажлислар залидан... Шаҳар байроғи гум бўлганди. Тезкорлик билан олиб борилган қидирувдан сўнг маълум бўлдики, байроқни аллақандай ёшлар ташкилоти ўғирлаган экан. Бироқ, бу қароқчиликдан ҳеч қандай сиёсий мақсад кўзда тутилмаган, ёш-яланглар шунчаки озгина «соққа» ишлаб олмоқчи бўлишган, холос.

Вильнюс шаҳри раҳбарияти байроқ учун 1000 АҚШ доллари товон пули тўлаш кераклигини эшитгач, тағин баттар саросимага тушдилар. Чунки ўзлари ҳар недан азиз ва мукаррам ҳисоблаб юрган байроқни қайтиб олиш учун ўғрилар томонидан талаб қилинаётган сумма арзимасгина эди.

Раҳбариятнинг номуси қўзғалди. Маслаҳат йиғини ўтказишгач, қадрдон байроқ учун ўз ихтиёрлари билан 10.000 миқдорида АҚШ доллари тўлашга қарор қилдилар. (Албатта, бундай тўловдан сўнг чўнтаклар ҳам байроқдай ҳилпираб қолса ажабмас).

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

Украинада ишлаб чиқиладиган «Запорожец» машинаси ҳақида сўз борса, лабларимизга андак киноя қулги ёйилади. Ахир, кўпчилик бу митти машинани ўзларича писанд қилмайди-да. Бироқ «Запорожец» сибирликларнинг энг севимли авто уловидир. Эски Иттифоқ қулагандан бери, «Запорожец» ҳам россияликлар учун «иномарка»га айланди-қўйди! Украинадан унинг ўзи тугул эҳтиёт қисмларини ҳам олиб келиш муаммо бўлиб қолди. Шу туфайли Сибирь томонларда «Запорожец»ни олиб қочиш, унинг эҳтиёт қисмларига нархни баланд қўйиш одат тусига кирмоқда. Яқинда Тюменда «Запорожец» ўғирлаётганда қўлга тушган доғули «рухсат беринглар, шу миттини би-ир мириқиб ҳайдай, сўнг мени ўлдирсаларингиз ҳам розиман», — дея юм-юм йиғлабди.

ana shunaqa gaplar

Ta'limda tadbirkorlik

АКАДЕМИК ЎҚИГАН МАКТАБ

Эл таниган аксар буюк зотлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда бўй чўзади. Улар билан фахрланиш эса болаликлари ўтган далаю қирларда, ўқиган мактабида, ўқитувчиси қалбида қолади.

Ўрта Чирчиққа қачон йўлингиз тушмасин каттаю-кичик, Амир Темур ҳайкалларини яратган ҳайкалтарош Илҳом Жабборов биздан, деб айтишади. Ғафур Ғулом номли мактабда ўқиган деб фахрланишади.

Илҳомнинг-ку таърифи баланд. Олган мукофотлари бир талай. Шу мактаб ўқувчиси, жияни Камол Жабборовни ўзи билан етаклаб боряпти. Шундай йигитлар таълим олган мактаб мактабмисан мактаб булса керагов...

Ҳар гал Ўрта Чирчиқ туманидаги Ғафур Ғулом номли ўрта мактабга борганимда шу ҳақда ўйлайман. Мактаб дабдабали бинога жойлашмаган. Туриши, салобати, оддий. Тарихи ҳам қизиқ. Борйўғи 1932 йилда унинг пойдеворига биринчи ғишт қўйилган. Уша йилларда Чантепа, Оққўғай, Деҳқонобод, Бештентак, Аранчи, Иттифоқ қишлоқлари ўртасидаги энг катта бино шу эди. Аслида эса сомонли ғиштдан қўтарилиб, усти қамиш билан ёпилган. Ўшанда унда иккита синф хонаси, мудир ва муаллимлар хонаси булган. Аста-секин мактаб хоналари орта бориб, мактаб бошланғич таълимдан тўлиқсиз ўрта мактаб номини олган. Кейин ўрта мактабга айлантирилган.

Айтиб ўтай, бу ҳисобот эмас. Кичик тарихий эслатма. Муҳими шуки, мактаб то шу кунгача, ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчилар кучи билан ўз номини, шаънини асраб келяпти.

Эсимда, 1986 йил. Тумандаги болалар оромгоҳларини айланиб юриб, танишларни кўриш учун айтилган мактаб томон йўл олдик. Дабдурустдан қулоғимизга Ғафур Ғулом номидаги мактаб жамоаси, директор Тошпўлат Холматов бошчилигида янги мактаб қуряпти, деган гап чалинди. Ёзги таътилда булар дам олиш ўрнига нима қилишяпти деб бордик. Ҳа, айтмоқчи, Тошпўлат ҳақида қисқача маълумот. Тиниб-тинчимас бу йигит (ҳозирда бобо) ўқитувчилик билан бирга болалар учун шеъру эртаклар битади. Бизни таништирган ҳам ижодкорлик бўлди. Бу хислатдан ташқари озгина бинокорлиги ҳам бор.

Сўзнинг давоми — дўстимизни кўргани бордик. Уларни қурилиш устида учратдик.

Ўқитувчиларгина эмас, юқори синф ўқувчилари ҳам мактаб атрофида. Бири ғишт қўяяпти, кимдир арра тортяяпти. Барча иш билан банд. Бизни кўриши билан мактаб директори ахборот беришга ўтди.

— Болалар икки сменада ўқийвериб қийналиб кетишди. Синфлар оз. Бола кўп. Ўқитувчилар ҳам қийналиб кетди. Янги бинодан дарак йўқ. Туман халқ таълими бўлими мудири Худойберди Айтбековга, мактабни энди ўз кучимиз билан кенгайтирамиз десам, майли, мен шифер билан тахтадан ёрдам бераман деб далда берди.

— Қолгани-чи, — сўрадим.

— Қолгани, — Тошпўлат кулди, — қолганига мана сизлар ёрдам берасизлар. Ёзувчи-шоирларнинг пули кўп деб эшитаман. Бу ёғига ҳашар қилиб юборасизлар. — Тошпўлат ҳазилҳузулдан кейин мақсадга ўтди.

— Ярим гектар теракзоримиз бор. Барчаси тўсинга, ёғочга ярайди. Ғиштни эса юқори синф ўқувчилари қуйиб беряпти. Техникадан жамоа хўжалигимиз. Тераклар фақат қурилишга эмас, ундан ортиб бошқа харажатларга ҳам етади. Барчасини ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Ота-боболаримиз мактабимизни ўз кучлари — ҳашар йўли билан қуришган. Биз эса ўша ҳашарни давом эттиряпмиз...

— Яшасин, ҳашар! — хитоб қилди шу мактабнинг собиқ ўқувчиси, ўқитувчиси, ҳамроҳим — болалар шоири Султон Жаббор.

Кейингиси кўз олдимизда пайдо бўлди.

Ана ўша ҳашар туфайли олтита синф хонаси қурилди. Шунча синф хонасининг томи ёпилди. Ортганига цемент, оҳак сотиб олинди. Мактаб зали бунёд этилди. Тўғри, кам-кўстига хўжалик ёрдам берди. Ота-оналар ҳам қараб турмади.

Ёзги таътил тугаши билан қишлоқ болалари янги синфхоналарда бир сменада ўқишга муяссар бўлди. Муҳими, шундаки, ҳашар йўли билан қурилган мактаб туманда биринчилар қатори компьютерлаштирилган синфга эга бўлди. Бу мактаб ҳақида сўзлар эканман, мени бир нарса таажжубга солади. Ҳашар йўли билан қурилган мактаб тарихини туманда яхши билишади. Уттизинчи йилларда балки бу қишлоқлар ўртасида кўрку салобат ташлаб тургандир. Бугун унинг атрофида не-не кўзни оладиган шахсий иморатлар ростланди. Таққослаш пайти келмадимикин?

Ахир шу ўтган йилларда бу синчли бинода қанчалар ўғилқиз ўқимади. Не-не улуғ муаллимлар дарс бермади. Барибир Ғафур Ғулом номидаги мактаб деса ҳамма танийди. Айниқса, унинг фидойи директори — Тошпўлат Холматовни. Ҳашарчилари ҳам оз эмас. Бутун бошли ўқувчилар. Уларга бош-қош бўлган муаллимлари — Қуролбек Уролов, Турдибек Избосаров, Нўъмон Эшонқулов, Ҳамроқул Абдуваҳобов... Булар биз ўша ҳашар куни кўрганимиз — енг шимариб юрганлари. Эртаси-индини келиб ҳашарга қўшилганлари анча-мунча бўлган. Қаранг-га, бундан ўн йилларча олдинги манзарани бугунга келтириб боғлаяпман. Шундай деб ўзимга таскин беряпману аммо ҳозиргача мактабда ҳашар давом этяпти. Аслида эса катта ваъдалар билан ўқувчиларнинг кўпайишини ҳисобга олиб 1991 йилда 844 ўринли янги мактаб қурилиш лойиҳа-сметаси тузилиб, пойдевори қўйилган, қурилиш тўхтаб қолган.

Орзули, умидли дунё деганларидек, шу мактабни битириб, бугун халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётган собиқ ўқувчилари бу йил — 1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида ўзлари қурган мактабда учрашишга қарор қилишди. Улар орасида бу йил Узбекистон Республикасида ташкил этилган Бадиий Академиянинг ҳақиқий аъзоси, машҳур ҳайкалтарош Илҳом Жабборов ҳам бор.

Худди шу куни ўзимиздан чиққан биринчи академик деб кўпчилик йиғилади. Дийдорлашади. Ҳашарчилар бўлса яна доимий иш режаси ҳақида гапиради. Янги теракларни кўрсатади. Чунки буёғи ҳар доимгидек янги ўқув йилига тайёргарлик бошланади.

Яна бир ахборот. Ҳашар йўли билан қурилган мактаб экан деб, беписандроқ бўлманг. Мактаб жамоаси бу йилги аттестация ва аккредитациядан муваффақиятли ўтди.

Фақат мени бир ўй безовта қилаяпти. Ижодкор, бинокор директор Тошпўлат Холматов барчани маслаҳат ошига чақираётган бўлса-чи...

Сафар БАРНОЕВ,
Ғафур Ғулом мукофоти лауреати.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли ҳамкасбимиз Санамжон Назарбоева!

Сизни туғилган кунингизга 50 йил, иш фаолиятингизга 30 йил тўлиши муносабати билан қутлаймиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг.

Хоразм вилояти Дўстлик шаҳридаги 7-мактаб жамоаси.

МЕТАЛЛ — БОЙЛИГИМИЗ

Тошкент индустриал-педагогика техникуми 1996 — 1997 ўқув йилига мўлжалланган 35 тонна ўрнига 35,64 тонна қора ва 150 кг ўрнига 349 кг рангли металл парчаларини давлатга топшириб, режани ортиғи билан бажарди.

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги режадаги 610 тонна қора ва 8,1 тонна рангли металл парчаларини йиғиб топширганлиги ҳақида хабар беради.

* * *

Наманган педагогика билим юрти маъмурияти 1997 йилга режалаштирилган 33 тонна қора ва 300 кг рангли металл парчаларини муддатидан олдин йиғиб топширганлиги тўғрисида маълум қилади.

Д. АЛИҚУЛОВА.

ЛИЦЕЙГА МАРҲАМАТ!

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ

1997—98 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей-интернатига Республикамизнинг барча мактабларининг 8-синфини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан тугатган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

Лицей-интернатининг 9-синфларга суҳбат асосида қуйидаги йўналишлар бўйича 1997 йилнинг 20 июнидан 20 июлигача ҳужжатлар қабул қилинади:

- Иқтисод бўлими
- Табиий фанлар бўлими (физика, математика, кимё, биология ва муҳандислик)
- Социал фанлар бўлими (тарих, ҳуқуқшунослик, ижтимоий фанлар)
- Узбек тили ва адабиёти
- Хорижий тиллар (инглиз ва рус тиллари)

Лицейга қабул қилинганлар бепул овқат, ётоқхона билан таъминланадилар. Ундан ташқари лицейда дид билан жиҳозланган синф хоналари, лабораториялар, лингафон ва компьютер хоналари, фан кабинетлари, кутубхона ва ўқув заллари, спорт зали ва майдонлари, устахоналар, лицей ички телерадиостудияси, профилакторий ва бошқа қулайликлар ўқувчиларга мунтазир. Машғулотларни университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва лицейнинг малакали ўқитувчилари олиб боради.

ТАНЛОВ ШАРТИ:

Танлов йўналишга оид касбларга ва фанларга муносабатни, қизиқишни аниқловчи тест-синовлари (суҳбат) асосида амалга оширилади. Тест-синовлари (суҳбатлар) 1997 йилнинг 1 августидан 15 августгача махсус график асосида ўтказилади. Шаҳар, туман, вилоят олимпиадаси ғолиблари лицейга имтиёзли қабул қилинадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза
2. Шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари ёки мактаб педагогик кенгаши йўлланмаси
3. 6-8 — синфлар табеллари
4. Тиббий маълумотнома (086-форма)
5. 4 донадан 3х4 ва 6х9 ўлчамли фотосуратлар
6. Турар жойидан маълумотнома

МАНЗИЛИМИЗ:
Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Саркисов кўчаси, 2-уй.
Телефонлар: 72-22-15, 72-40-61.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Луқмон БУРИЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0300. Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.